

А.Б. Ақпаева, Л.А. Лебедева, М.Ж. Минжасарова,
Т. В. Лихобабенко


*Қозғастон Республикаси
Таълим ва фан министрлиги тасдиқлаган*

МАТЕМАТИКА

Умумтаълим мактабларининг
3-синфи учун дарслик

4-қисм

Алматы

 “Алматыкітап” –  “Жазушы”

2018

ӨОЖ 373.167.1
КБЖ 22.1я 72
А 37

Шартли белгилар



– дарснинг мақсади



– Сиз нимани ўргандингиз?



– ёдда сақланг



– баҳолаш учун топшириқ



– ўрганинг



– гуруҳда ишлаш



– жуфтликда ишлаш



– амалий иш



– мустақил иш



– уй вазифаси



– ижодий иш



– кундалик ҳаётда математика

Ақпаева А.Б. ва бошқ.

А 37 Математика. Умумтаълим мактабларининг 3-синфи учун дарслик: 4-қисмли.
4-қисм / А.Б. Ақпаева, Л.А. Лебедева, М.Ж. Минжасарова, Т.В. Лихобабенко.
– Алматы: “Алматыкітап” – “Жазушы”, 2018. – 100 бет, расмли.

ӨОЖ 373.167.1
КБЖ 22.1я 72

ISBN 978-601-01-3049-4 (4-қисм)
ISBN 978-601-01-3102-6 (жами)

© Ақпаева А.Б., Лебедева Л.А., Минжасарова М.Ж.,
Лихобабенко Т.В., текст, 2018
© ТОО «Алматыкітап баспасы», 2018
Ўзбек тилине “Жазушы” баспасында аударылды, 2018

АЗИЗ ДЎСТИМ!

Қўлингизда дарсликнинг 4-қисми. Бунда сизни қизиқарли топшириқлар кутмоқда. Сиз кўпайтириш ва бўлишни бажарасиз, қизиқарли мантиқий масалалар ечасиз ва катталар қийматларини топишни ўрганасиз. Математикадан эгаллаган билимларингиз кундалик ҳаётда сизга асқотишини билиб олиш фойдали ва қизиқарли бўлади.

Диққатли, меҳнатсевар ва қатъиятли бўлинг.

Биз, дарслик муаллифлари, сизга омад тилаймиз!



4А БЎЛИМ. ЎЗМА КЎПАЙТИРИШ ВА БЎЛИШ

131 $140 \cdot 2$, $280 : 2$ кўринишда ўзма кўпайтириш ва бўлиш

Сувнинг инсон ҳаёти учун зарурлиги



Сиз хоналардан бири ноль бўлган ҳолда уч хонали сонларни бир хонали сонга кўпайтириш ва бўлиш алгоритмини ўрганасиз.

1. Уч хонали соннинг хоналарини кўриб чиқинг. Кўпайтириш қандай бажарилганлигини тушунтиринг.

$$140 \cdot 2 = 14 \cdot 10 \cdot 2 = 14 \cdot 2 \cdot 10 = 280$$

$$14 \text{ ўнл.} \cdot 2 = 48 \text{ ўнл.}$$

Ўзма
кўпайтириш
ва бўлиш
алгоритми



2. а) Кўпайтиришни устун кўринишида бажарилишига эътибор беринг.

		1	4	0
x		2		
		2	8	0

Ўзаман: биринчи кўпайтувчи – 140, яъни 14 ўнлик.

Ўнликнинг тагига иккинчи кўпайтувчи – 2 ни ўзаман.

Ўнликларни кўпайтираман: $4 \text{ ўнл.} \cdot 2 = 8 \text{ ўнл.}$, 8 ни ўнликларнинг тагига ўзаман. 0 ни тушириб қолдираман.

Юзликларни кўпайтираман: $1 \text{ юзл.} \cdot 2 = 2 \text{ юзл.}$, 2 ни юзликнинг тагига ўзаман. 0 ни тушириб қолдираман.

Жавобни ўқийман: 280.

- б) Бўлишнинг қандай бажарилганлигини тушунтиринг.

$$280 : 2 = (28 \cdot 10) : 2 = 28 : 2 \cdot 10 = 140$$

$$28 \text{ ўнл.} : 2 = 14 \text{ ўнл.}$$



- Бўлишнинг устун кўринишида бажарилишини кўриб чиқинг.

	2	8	0	2	
-	2			1	4
		8			0
		8			
			0		
			0		
			0		

Ўзаман: бўлинувчи – 280, бўлувчи – 2, биринчи тўлиқсиз бўлинувчи – 2 юзл. Бўлинмада 3 та рақам (юзлик, ўнлик, бирлик) бор.

Юзликларни бўламан: $2 : 2 = 1$, 1 ни бўлинмага ўзаман.

Ўнликларни бўламан: $8 : 2 = 4$, 4 ни бўлинмага ўзаман.

Бирликларни бўламан: $0 : 2 = 0$, 0 ни бўлинмага ўзаман.

Жавобни ўқийман: 140.

Қисқача қандай ёзиш мумкинлигини
тушунтиринг.





3. Оғзаки тушунтиринг. Устун шаклида ёзиб, уни ҳисобланг. Тўғрилигини текширинг.

$$230 \cdot 3 \quad 420 \cdot 2 \quad 690 : 3 \quad 480 : 2$$



4. Ифодаларни устун шаклида ёзиб, уларни ҳисобланг.

$$550 : 5 \quad 120 \cdot 3 \quad 260 : 2 \quad 120 \cdot 2$$

$$420 : 2 \quad 320 \cdot 3 \quad 840 : 2 \quad 110 \cdot 3$$

$$480 : 4 \quad 210 \cdot 4 \quad 330 : 3 \quad 130 \cdot 2$$



Уч хонали сонни бир хонали сонга кўпайтириш ва бўлишга мисол ўйлаб топинг ва ёзинг. Устун шаклида ёзиб, уларни ҳисобланг. Текширишни бажаринг.

5. Тенгламани ечиб, Қозоғистондаги сув ҳавзаларининг юзини аниқланг. Энг катта сув ҳавзасини айтинг. Сув ҳавзаларининг аҳамиятини тушунтиринг.

Сув ҳавзаси	Ўрнашган жойи	Юзи (км ²)
Кўксарой	Сирдарё дарёси, Жанубий Қозоғистон вилояти	$160 + y = 310 \cdot 2$
Сергеев	Есил дарёси, Шимолий Қозоғистон вилояти	$797 - y = 340 \cdot 2$
Қаратомар	Тўбил дарёси. Қўстанай вилояти	$x + 18 = 220 : 2$
Самарқанд дарёси	Нура дарёси. Қарағанди вилояти	$192 - x = 440 : 4$

6. Жадвалдан фойдаланиб, тўғри тенглик ва тенгсизликлар тузинг.

$630 : 3$	$210 \cdot 3$
$960 - 640$	$185 + 775$
$320 \cdot 2$	$810 - 600$
$347 + 403$	$960 : 3$

?



7. Бир идишнинг бешдан бир қисмига 6 л сув сиғади. Шундай 3 та идишга ҳаммаси бўлиб неча литр сув сиғади?



8. Сардорнинг ҳисоблашларни қандай бажарганлигини кўриб чиқинг.

$$18 \cdot 45 = (2 \cdot 9) \cdot (5 \cdot 9) = (2 \cdot 5) \cdot (9 \cdot 9) = 10 \cdot 81 = 810$$

Кўпайтириш хоссасидан фойдаланиб, ҳисобланг.

$$25 \cdot 24 \text{ кг}$$

$$35 \text{ л} \cdot 18$$

$$14 \text{ кг} \cdot 35$$

9. Масалаларни ечинг.

а) Мактабга ичимлик суви олиб келинди. Бошланғич синфлар учун 19 литрли 5 та идишда, юқори синфлар учун 19 литрли 8 та идишда олиб келинди. Мактабга жами неча литр сув олиб келинган?

б) Ойдиннинг онаси бир ойда 19 литрли идишдаги сувга 4 марта, Мақсаднинг онаси эса 6 марта буюртма беради. Ойдиннинг онаси Мақсаднинг онасига қараганда бир ойда неча литр кам сув сотиб олади?

в) Катта ёшли кишилар бир суткада 2 литр сув ичишлари керак бўлса, у ҳолда 4 кишили оила апрель ойида неча литр сув ичади? 6 кишили оила-чи? 8 кишили оила-чи?



10. Ҳисобланг ва текширинг.

$$410 \cdot 2$$

$$660 : 6$$

$$990 : 9$$

$$110 \cdot 7$$

$$820 : 2$$

$$330 \cdot 3$$



11. Сайёра ҳафтанинг етти кунидан бирини кўнгилда ўйлаб қўйди.

У берилган саволларга фақат “ҳа” ёки “йўқ” деб жавоб беришга келишди. Сайёра ҳафтанинг қайси кунини ўйлаб қўйганлигини топиш учун, унга қанча савол бериш мумкин? Биринчи савол қандай бўлиши мумкин?



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



Сувнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти



Сиз хоналардан бири ноль бўлганда уч хонали сонни бир хонали сонга кўпайтириш ва бўлиш алгоритмидан фойдаланасиз.

1. Ифодаларнинг қийматларини топинг. Уларни ўсиб бориш тартибида жойлаштирсангиз, қуйидаги шеърнинг муаллифи ким эканлигини билиб оласиз. Шеърнинг маъносини тушунтиринг.

$640 : 2$	X	$390 : 3$	A	$110 \cdot 9$	A	$220 \cdot 4$	B		
$840 : 4$	P	$430 \cdot 2$	O	$110 \cdot 4$	I	$240 \cdot 2$	Ж	$480 : 2$	Я
$660 : 3$	И	$110 \cdot 5$	A	$130 \cdot 3$	A	$210 \cdot 2$	K	$360 : 3$	M
$620 : 2$	M	$220 \cdot 3$	H	$230 \cdot 2$	M				

Сув дегани ҳаётнинг қони эмасми?
 Сув дегани табиатнинг жони эмасми?
 Сув йўқ жойда ҳаёт ҳам йўқ, аслида бу ҳақиқат,
 Кумуш сув бу қора ернинг кўрки эмасми?



М.и.

2. Амалларни устун шаклида ёзиб, ифоданинг қийматини топинг.

$$220 \cdot 2 - 880 : 8$$

$$860 : 2 - 930 : 3$$

$$990 : 3 + 120 \cdot 4$$

$$640 : 2 + 220 \cdot 2$$

3. Масалани ечинг.

Биринчи авлод кир ювиш машиналари бир марта кир ювиш учун 120 л сув сарфлар эди. Замонавий машиналар 10 марта кир ювиш учун неча литр сув сарфласа, биринчи машиналар 4 марта кир ювиш учун шунча литр сув сарфлайди. Замонавий машиналар бир марта кир ювишга неча литр сув сарфлайди?



4. Ифодаларни таққосланг.

$$930 : 3 + 8 \cdot 9 * 930 : 3 + 56$$

$$130 \cdot 2 - 28 : 7 * 130 \cdot 2 - 2$$

$$310 \cdot 3 + 26 * 310 \cdot 3 + 80 : 4$$

$$680 : 2 + 5 * 680 : 2 + 30 : 6$$

5. Қисқа ёзув бўйича масала тузинг ва уларни ечинг.

а) «Динамо» бассейни – 120 бола
«Дельфин» бассейни – ?, 3 марта кўп $\left. \begin{array}{l} \longleftarrow \\ \longleftarrow \end{array} \right\} ?$ бола

б) Болалар – 360, бу 3 марта кам $\left. \begin{array}{l} \longleftarrow \\ \longleftarrow \end{array} \right\} ?$ кам
Катта ёшлилар – ?



6. Ойдин ва Сардор ўз оилалари бир суткада неча литр сув сарфлашини аниқлаш учун кузатишлар олиб боришди. Сардорнинг оиласида 4 киши, Ойдиннинг оиласида 3 киши бор.

Кузатишлар натижаси жадвалда берилган. Жадвалдаги маълумотлар бўйича гуруҳдаги ўқувчилар учун саволлар тузинг.

Ўқувчининг исми-шарифи	Таом тайёрлашга	Истъе-мол қилишга	Идиш-товоқ ювишга	Юви-нишга	Кир ювишга	Бошқа заруратларга	Жами
Сардор	12 л	8 л	6 л	20 л	5 л	23 л	74 л
Асал	10 л	6 л	5 л	15 л	5 л	19 л	60 л



Сизнинг оилангизда сув қандай сарфланади? Кузатишлар олиб бориб, натижасини жадвалга ёзинг. Гуруҳда кузатишлар натижасини таҳлил қилинг. Сувни қандай тежаш мумкин? Ўз фикрингизни айтинг.

7. Тенгламаларни ечинг.

$$4 \cdot x = 787 - 347 \quad 654 - y = 310 \cdot 2 \quad 240 + x = 340 \cdot 2$$



8. Бўш катакни тўлдириг.

×	2		0	
			3	
			9	

×		1	0	
			2	
		8		0

	8	6	0	2		
	8			4		
			0			

	6	9	0	3		
						3
		9				
		9				



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



Ўсимликлар учун сувнинг аҳамияти



Сиз хоналардан бири ноль бўлганда уч хонали сонни бир хонали сонга кўпайтириш ва бўлиш алгоритмини ўрганасиз.

1. Сонларда ҳаммаси бўлиб нечта birlik, ўнлик, юзлик бор? Айтинг.



2. Кўпайтиришнинг устун шаклида бажарилишини қараб чиқинг.

x	1	0	2	
			3	
	3	0	6	

Ёзаман: биринчи кўпайтувчи – 102. Бирликларнинг тагида иккинчи кўпайтувчи – 3.

Бирликларни кўпайтираман: $2 \cdot 3 = 6$, 6 ни birlikларнинг тагига ёзаман.

Ўнликларни кўпайтираман: $0 \cdot 3 = 0$, 0 ни ўнликларнинг тагига ёзаман.

Юзликларни кўпайтираман: $1 \cdot 3 = 3$, 3 ни юзликларнинг тагига ёзаман.

Жавобни ўқийман: 306.



Бўлишнинг устун шаклида бажарилишини кўринг.

		3	0	6	3	
		3			1	0
		0				2
		0				
				6		
				6		
				0		

Ёзаман: бўлинувчи – 306, бўлувчи – 3, биринчи тўлиқсиз бўлинувчи – 3 юзл. Бўлинмада 3 та рақам (юзлик, ўнлик, birlik) бор.

Юзликларни бўламан: $3 : 3 = 1$, 1 ни бўлинмага ёзаман.

Ўнликларни бўламан: 0 ни 3 га бўла олмайман, 0 ни бўлинмага ёзаман.

Бирликларни бўламан: $6 : 3 = 2$, 2 ни бўлинмага ёзаман.

Жавобни ўқийман: 102.



	3	0	6	3	
	3			1	0
			6		
			6		
			0		

Эътибор қаратинг!

Нолни исталган сонга бўлганда ҳар доим ноль ҳосил бўлгани учун, қисқача ёзиш мумкин. Нима учун бундай ёзиш мумкинлигини тушунтиринг.



3. Устун шаклида ёзиб, ҳисобланг. Тўғрилигини текширинг.



$104 \cdot 2$

$302 \cdot 3$

$609 : 3$

$903 : 3$

$203 \cdot 3$

$101 \cdot 5$

$707 : 7$

$204 : 2$



Уч хонали сонни бир хонали сонга кўпайтириш ва бўлишга доир мисоллар ўйлаб топинг ва ёзинг. Устун шаклида ёзиб, уни ҳисобланг. Текширишни бажаринг.



4. Масалаларни ечинг.


а) 1 кг гуруч етиштириш учун 7 т сув сарфланади. 100 кг гуруч етиштириш учун неча тонна сув керак?

б) 100 г буғдой етиштириш учун 120 л сув сарфланади. 400 г буғдой етиштириш учун неча литр сув керак?

в) 3 кг картошка етиштириш учун 900 литр сув сарфланади. 1 кг картошка етиштириш учун неча литр сув керак?



5. Расмда ер участкасининг режаси берилган. Хўжайин унинг бўялган қисмига карам ўтқазмоқчи бўлди. Битта карамни ўстириш учун ўртача 101 литр сув сарфланди. Агар 1 м² ерга иккитадан карам экилса, у ҳолда ер участкасининг бўялган қисмига неча литр сув керак бўлади?



6. Масалаларни ечинг. Бунинг учун сизга қандай маълумотлар керак бўлишини аниқланг.

а) боғда 102 туп оддий настарин ва ундан 2 марта ортиқ форс настарин ўсмоқда. Боғда жами неча туп настарин ўсмоқда.

б) Ҳафтанинг бошида 50 туп ясмин, 202 туп настарин гуллади. Ҳафта охирида эса ундан 2 марта кам настарин гуллади. Боғда жами неча туп настарин гуллаган?



7. Ойдин ва Сардор ифодаларнинг қийматларини топишди. Ойдин ифодаларнинг қийматлари 974 ва 644, Сардор эса 976 ва 642 бўлишини аниқлади. Ким ва қайси ифодани тўғри ҳисоблаган?

а) $303 \cdot 3 + 65$

ә) $843 - 804 : 4$



Ифодаларнинг қийматларини шундай ўзгартирингки, болаларнинг жавоблари тўғри бўлсин?



8. Устун шаклида ёзиб, уларни ҳисобланг.

$304 \cdot 2$

$101 \cdot 8$

$606 : 2$

$404 : 2$

$201 \cdot 4$

$204 \cdot 4$

$606 : 6$

$306 : 3$



9. Ифодаларни дафтарга устун шаклида ёзинг.

5, 8, 2 рақамлардан энг кичик ва энг катта уч хонали сон тузинг. Уларнинг айирмаларини топинг. Жавобдан фойдаланиб, энг катта ва энг кичик сонларни ёзинг. Уларнинг айирмасини топинг. Амални 4 марта такрорланг.



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



Сувнинг ўсимликлар учун аҳамияти



Сиз хоналардан бири ноль бўлганда уч хонали сонни бир хонали сонга кўпайтириш ва бўлиш алгоритмини қўлланасиз.

1. Ҳисоблашларни устун шаклида бажаринг. Биринчи қатордаги ҳисоблашлар қийматини ўсиб бориш тартибида, иккинчи қатордаги ҳисоблашлар қийматини камайиб бориш тартибида ёзинг. Ҳосил бўлган мақолни ўқинг. Унинг маъносини тушунтиринг.

Ер	куз	ҳайдасанг	куз
$102 \cdot 4$	$103 \cdot 3$	$808 : 2$	$606 : 3$
ҳайда	юз	ҳайда	ҳайдамасанг
$103 \cdot 2$	$408 : 4$	$505 : 5$	$609 : 3$

М.и.

2. Масалалар бўйича ифодалар ёзинг. Уларнинг қийматини топинг.



- а) Кўчадаги битта кўчатни суғориш учун 9 л сув сарфланади. Шундай 101 та кўчатни суғориш учун неча литр сув керак?
 б) Истироҳат боғидаги битта гулзорни суғоришга 304 л сув сарфланади. Айнан шундай 2 та гулзорни суғориш учун неча литр сув керак?
 в) Хона ўсимликларини суғориш учун 5 литрли 3 та идиш ва 10 литрли 2 та идиш сув сарфланди. Хона ўсимликларини суғориш учун жами неча литр сув сарфланади?



3. Боғбон бўйи 4 м ва эни 2 м бўлган ер майдонини тўр билан ўраши керак. Унга неча метр тўр керак бўлади? Айнан шундай ер майдонини суғориш учун ҳафтада 1 м^2 майдонга 101 литр сув сарфланади. Ер майдонини суғориш учун бир ҳафтага неча литр сув керак бўлади?



4. Ифодалар бўйича масалалар тузинг ва уларни ечинг.

а) $302 \cdot 2 + 102 \cdot 3$

ә) $302 \cdot 3 - 102 \cdot 4$



атиргул кўчати

1 та кўчат –
302 тг



лола пиёзи

1 та кўчат –
102 тг

5. Таққосланг.

$308 : (a + b) * 308 : (a - b)$ $(122 + 80) : 2 * 122 + 80 : 2$

$(c + d) : 8 * (c + d) \cdot 8$ $500 - 204 : 2 + 75 * (500 - 204) : 2 + 75$

$408 : 4 + b * 408 : (4 + b)$ $(630 + 303) : 3 * 180 + 303 : 3$

6. Масалаларни ечинг.

а) Боғга 130 та олма дарахти, олмага қараганда 2 марта ортиқ нок дарахти ўтқазилди. Олма дарахти билан нок дарахти қанча бўлса, шунча ўрик дарахти ўтқазилди. Боғга қанча ўрик дарахти ўтқазилган?

б) Масалани сонли маълумотлар билан тўлдириг ва уни ечинг.

Истироҳат боғига қайин дарахти, қайинга қараганда марта кам қарағай дарахти ўтқазилди. Қайин ва қарағай дарахтлари қанча бўлса, шунча терак ўтқазилди. Истироҳат боғига қанча терак ўтқазилган?



7. Кўлдан 9 л ва 5 л сиғимли челақлар ёрдамида 6 л сувни катта идишга қандай қуйиб олиш мумкин?



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



Сувнинг ҳайвонлар учун аҳамияти



Сиз хоналардан бири нолга тенг бўлганда уч хонали сонни бир хонали сонга кўпайтириш ва бўлиш алгоритмини ўрганасиз.



1. Кўпайтириш ва бўлиш қандай бажарилганини кўриб чиқинг. Тушунтиринг. Хулоса чиқаринг.

x	1	0	4	
			4	
	4	1	6	

Ёзаман: биринчи кўпайтувчи – 104, бирликнинг тагига иккинчи кўпайтувчини ёзамиз – 4.

Бирликларни кўпайтираман: $4 \cdot 4 = 16$, бу – 1 та ўнлик ва 6 та birlik. 6 ни birlikларнинг тагига ёзаман, 1 та ўнликни эса ёдда сақлаб, ўнликларга қўшаман.

Ўнликларни кўпайтираман: $0 \cdot 4 = 0$, ёддаги 1 та ўнликни қўшаман, бунда 1 та ўнлик бўлади. 1 ни ўнликларнинг тагига ёзаман.

Юзликларни кўпайтираман: $1 \cdot 4 = 4$. 4 ни юзликларнинг тагига ёзаман.

Жавобни ўқийман: 416.



Бўлиш қандай бажарилганини қараб чиқинг.

	4	16	4	
-	4		104	
		16		
-		16		
		0		

Ёзаман: бўлинувчи – 416, бўлувчи – 4. Биринчи тўлиқсиз бўлинувчи – 4 юзлик. Бўлинмада учта рақам (юзлик, ўнлик, birlik) бўлади.

Юзликларни бўламан: $4 : 4 = 1$, 1 ни бўлинмага ёзаман.

Ўнликларни бўламан: 1 та ўнликни 4 га бўлиш мумкин эмас, бўлинмага 0 ни ёзаман.

Бирликларни бўламан: 1 та ўнлик ва 6 та birlik – 16 та birlik. $16 : 4 = 4$, 4 ни бўлинмага ёзаман.

Жавобни ўқийман: 104.



2. Устун шаклида ёзинг ва уни ҳисобланг. Текширинг.

$$209 \cdot 2$$

$$208 \cdot 3$$

$$203 \cdot 4$$

$$324 : 3$$

$$428 : 4$$

$$816 : 8$$



Уч хонали сонни бир хонали сонга кўпайтириш ва бўлишга доир мисоллар тузинг. Устун шаклида ёзинг ва уни ҳисобланг. Текширинг.

3. Масалаларни ечинг.

а) Комод эчкиэмарининг узунлиги 209 см, тимсоҳнинг узунлиги эса 3 марта катта. Тимсоҳ комод эчкиэмаридан неча сантиметр узун?



б) Филнинг бўйи тахминан 324 см, бегемотнинг бўйи ундан 3 марта кам. Бегемот филдан неча сантиметр кичик?



4. Тенгламаларни ечинг.

$$165 + x = 104 \cdot 3$$

$$55 : y = 77 : 7$$

$$30 \cdot x = 365 - 275$$

$$906 - a = 203 \cdot 2$$

5. а) Кўпайтмаларни кўпайтувчиларнинг квадратиغا ёки кубини кўринишида ёзиб, қийматини топинг.

$$4 \cdot 4 \cdot 4$$

$$5 \cdot 5$$

$$2 \cdot 2 \cdot 2$$

$$10 \cdot 10 \cdot 10$$

$$3 \cdot 3$$

$$6 \cdot 6$$

б) Кўпайтувчиларнинг квадрати ва кубини кўпайтмалар билан ал-
 маштириб, ифодаларнинг қийматини топинг.

$$\begin{array}{l} 4^3 + 300 \\ 10^2 - 56 \end{array}$$

$$\begin{array}{l} 10^3 - 534 \\ 9^2 - 67 \end{array}$$

$$\begin{array}{l} 2^3 + 40 \\ 4^2 + 351 \end{array}$$



6. Устун шаклида ёзинг ва уни ҳисобланг.

$927 : 9$

$525 : 5$

$963 : 3$

$545 : 5$

$416 : 4$

$305 \cdot 3$

$304 \cdot 3$

$309 \cdot 2$

$648 : 6$

$612 : 3$

$214 : 2$

$432 : 4$

7. Масалани ечинг.

а) Туя – ажойиб жонивор. У сувсиз икки ҳафта юра олади. Туя бир ичганда 108 литргача сув ичади. 6 та туяга бир марта ичишга неча литр сув керак?

б) Иссиқ кунлари сигирга 105 л сув керак. Сигирга иссиқ кунларда бир ҳафтага неча литр сув керак?



8. Ҳайвонот боғи ишчиларининг йўл қўйган хатолиги натижасида жониворлар ўз катаклариди бўлмайд чикди.

1. Арслон	2. Эшак	3. Бўри	4. Тимсоҳ	5. Гепард
Гепард	Тимсоҳ	Эшак	Арслон	Бўри
Умумий катак				

Ҳайвонот боғининг ишчиси тезроқ жониворларнинг ҳар қайсисини ўз катакларига жойлаштириши керак. Бу ишчи ҳаракатининг алгоритми қандай бўлиши керак? Эшакдан бошқа жониворлар йиртқич ҳайвонлар бўлгани учун уларни битта катакка иккитадан жойлаштириш ёки катаклар очиладиган умумий катакка қўйиш мумкин эмаслигини ҳисобга олиш керак.



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



Денгиз ва океанда яшовчилар



Сиз хоналардан бири ноль бўлганда уч хонали сонни бир хонали сонга қўпайтириш ва бўлиш алгоритмини қўлланасиз.



Астана шаҳридаги океанариум сувининг сиғими – 3 миллион литр. Жаҳоннинг ҳар чеккасидан балиқлар ва денгиз жониворларининг 2000 дан зиёд тури яшайди.



М.и.

1. Мустақил ечинг.

- а) Астана океанариумида йиртқич балиқлар – қўнғир паку ва мўйловли энага-акула яшайди. Қўнғир пакунинг узунлиги 1 м 8 см, мўйловли энага-акула ундан 4 марта узун. Мўйловли энага-акула қўнғир пакудан неча сантиметр узун?



- б) Астана океанариумида заҳарли балиқлар – қанотли зебралар ва тошбалиқлар яшайди. Қанотли зебранинг массаси тахминан 816 г. Дунёдаги энг заҳарли балиқ – тошбалиқнинг массаси эса ундан 4 марта кам. Қанотли зебра тошбалиқдан неча грамм оғирроқ?





2. Устун шаклида ҳисобланг, тўғрилигини текширинг.

$$103 \cdot 5 \qquad 636 : 6 \qquad 104 \cdot 6 \qquad 742 : 7$$



$$307 \cdot 2 \qquad 436 : 4 \qquad 105 \cdot 4 \qquad 915 : 3$$

3. Масалани ечинг.

Ҳайвонот боғидаги учта катта аквариумда 485 та балиқ бор. Биринчисида 109 та балиқ, иккинчисида ундан 2 марта ортиқ балиқ бор. Қолган балиқлар учинчи аквариумда. Учинчи аквариумда нечта балиқ бор?




Шунга ўхшаш масала тузинг ва уни ечинг.

4. Ифодалар ёзинг ва уларнинг қийматини топинг.

Қўпайтувчи	$86 + 19$	$318 : 3$	208
Қўпайтувчи	5	6	$32 : 8$



Бўлинувчи	$516 + 340$	648	$204 \cdot 3$
Бўлувчи	8	$2 \cdot 3$	6

5. Чизма бўйича ифода тузинг ва унинг қийматини топинг.





6. Сув тошбақасига мўлжалланган аквариум тубининг юзини ҳисобланг. Тубининг юзи тошбақа эгаллайдиган юзадан 5 марта катта бўлиши керак. Берилган аквариумга ўша сув тошбақасини жойлаштириш мумкинми?



7. Одина ифодаларнинг қийматини амалларнинг бажарилиш тартиби бўйича ҳисоблаган бўлса, у ҳолда у қайси ифоданинг қийматини топган.

а) ?

1) $870 : 6$

2) $463 - 145$

ә) ?

1) $265 + 515$

2) $780 : 5$

б) ?

1) $532 + 360$

2) $145 \cdot 4$

3) $892 - 580$

8. Сантиметр ва миллиметрларда ифодаланг.

23 мм 165 мм 800 мм 602 мм 62 мм 307 мм



9. Океанариумга тўртта қиз бола келди. Улар: Адолат, Жамила, Севинч, Мафтуна. Улардан иккитаси бир хил ёшда. Севинч Мафтунадан кичик, Адолатдан катта эканлиги маълум. Қайси қизлар тенгдош?



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.





2. Устун шаклида ёзиб, ҳисобланг ва текширинг.

$$\begin{array}{ccc} 152 \cdot 5 & 124 \cdot 5 & 142 \cdot 5 \\ 920 : 5 & 730 : 2 & 540 : 4 \end{array}$$



Шундай кўринишдаги кўпайтириш ва бўлишга доир мисоллар тузинг. Устун шаклида ёзиб, уни ҳисобланг. Текширинг.

3. Ифодаларнинг қийматларини топинг . Уларни ўсиб бориш тартибида айтиб беринг. Океанларни таққосланг.

Атлантика океани	$750 - 128 \cdot 5$
Шимолий муз океани	$(247 + 583) : 5 - 106$
Тинч океани	$45 + 750 : 6$
Ҳинд океани	$135 \cdot 4 - 460$

Тўғри мулоҳазаларни айтинг.

- Тинч океан – энг катта океан.
- Атлантика океани Ҳинд океанидан кичик.
- Шимолий муз океан Ҳинд океанидан катта.

Ўзингизнинг тўғри (рост) ва нотўғри (ёлғон) фикрларингизни тузинг.



4. Қисқа ёзув бўйича масала тузинг.

- а) 1-кемада – 145 та йўловчи
 2-кемада – ?, 4 марта ортиқ
 3-кемада – ? йўловчи
- 960 йўловчи
- б) 1-кемада – 134 т юк
 2-кемада – ?, 5 марта ортиқ
- ? т юк ортиқ



5. Тушунтириб ечинг.

$$\begin{array}{cccc} 135 \cdot 6 & 660 : 5 & 530 : 2 & 136 \cdot 5 \\ 176 \cdot 5 & 350 : 2 & 640 : 4 & 165 \cdot 4 \\ 255 \cdot 2 & 950 : 2 & 760 : 5 & 126 \cdot 5 \end{array}$$


6. Кесмаларни ясанг.

а) Узунлиги 25 см нинг бешдан бир қисмини ташкил қилган кесмани ясанг.

б) Узунлиги 12 см нинг учдан бир қисмини ташкил қилган кесмани ясанг.



7. Диаграммада бир сутка давомида ҳар 3 соатда портга денгиз орқали келган юк кемаларининг сони тўғрисида маълумот берилган. Диаграммадаги маълумотлардан фойдаланиб, саволларга жавоб беринг. Қайси вақт оралиғида портга юк кемалари кўп келган? Диаграмма бўйича саволлар тузинг ва уни синфдошларингизга беринг. Масалалар тузинг ва уларни ечинг.



8. Оқила кутубхонага, рақс студиясига, дорихона ва почтага бориши керак. Оқила қисқа йўлни танлаш учун барча мумкин бўлган нусхаларни қараб чиқиш лозим. Агар кутубхона, рақс студияси, дорихона ва почта бир-биридан узоқ жойлашган бўлса, у ҳолда мумкин бўлган нечта йўл бор?



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



Кўллар



Сиз хоналардан бири ноль бўлганда уч хонали сонни бир хонали сонга кўпайтириш ва бўлиш алгоритмини қўлланасиз.

1. Сиз Қозоғистонда 50 000 га яқин кўл бор эканлигини биласизми? Улардан 9 таси йирик кўллардир. Ифодаларнинг қийматини топиб, ўсиб бориш тартибида жойлаштирсангиз, шифобахш хусусиятга эга йирик кўллардан бирини аниқлайсиз.

К	А	Л	А	Ў	Л
$154 \cdot 5$	$740 : 4$	$235 \cdot 4$	$580 : 4$	$145 \cdot 6$	$350 : 2$

М.и.

2. Масалаларни ечинг.

- а) Кўлда дам олувчилардан 330 таси теплоходда, улардан 2 марта кам одам елканли қайиқда саёҳат қилдилар. Кўлда ҳаммаси бўлиб, қанча одам саёҳат қилган?



- б) Кўлда дам олувчиларнинг 330 таси теплоходда, улардан 2 марта кам киши елканли қайиқда дам олишди. Кўлда жами неча киши теплоходда ва қайиқда дам олишган?



Учта амал билан бажариладиган масала тузинг ва уни ечинг.

3. Ҳисобланг ва тўғрилигини текширинг.

$135 \cdot 2$

$370 : 2$

$125 \cdot 4$

$770 : 2$

$175 \cdot 4$

$870 : 6$

$225 \cdot 4$

$920 : 8$

$115 \cdot 6$

$690 : 5$

$114 \cdot 5$


$390 : 2$

4. Масалани ечинг.

а) Кўл чуқурлигининг $\frac{1}{6}$ қисми 14 м. Кўлнинг умумий чуқурлигини топинг.

б) Тескари масала тузинг ва уни ечинг.

5. Чизма бўйича ифода тузинг ва унинг қийматини топинг.



6. Ҳисобланг.

$$660 : 5 + 530$$

$$920 : 8 + 405$$

$$750 : 2 + 317$$

$$580 : 4 + 209$$

$$215 \cdot 2 - (847 - 462)$$

$$245 \cdot 4 - (97 + 487)$$

$$670 : 5 + (76 + 376)$$

$$115 \cdot 8 - (77 + 245)$$

$$(567 - 398) - 640 : 5$$

$$(1000 - 876) + 355 \cdot 2$$

$$(701 - 36) - 660 : 5$$

$$1000 - 390 : 2$$



7. Абдулла, Бобур ва Сардор кўлдан қармоқ билан балиқ тутмоқда.

Улардан ҳар қайсиси ё таутан, ёки тошбош, ё олабуға овлади.

Агар қуйидагилар маълум бўлса, улардан ҳар бири қандай балиқ овлаган:

1) Тиканли сузгич қанот олабуға ва серқилтанок балиқларда бор, тошбошларда эса йўқ.

2) Абдулла тиканли сузгич қанотли бирорта ҳам балиқ тутмади;

3) Бобур Сардор ушлаган балиқларга қараганда 2 та ортиқ олабуға овлади.

Агар Абдулла 3 та балиқ овласа, жами балиқлар 10 тадан кам бўлса, у ҳолда болалардан ҳар қайсиси нечтадан балиқ овлаган?



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.





Сиз ўз ютуқларингизни текширасиз.

БИЛИШ

Хоналардан бири ноль бўлганда уч хонали сонни бир хонали сонга ёзма кўпайтириш ва бўлиш алгоритмини биламан.

1. Устун шаклида ёзинг ва уни ҳисобланг.

$$430 \cdot 2$$

$$103 \cdot 3$$

$$107 \cdot 5$$

$$640 : 2$$

$$303 : 3$$

$$760 : 5$$

ТУШУНИШ

Хоналардан бири ноль бўлганда уч хонали сонни бир хонали сонга кўпайтириш ва бўлишни ёзма равишда ҳисоблаб, тўғрилигини текширишни биламан.

4. Устун шаклида ёзинг ва уни ҳисобланг. Тўғрилигини текширинг.

$$120 \cdot 3$$

$$304 \cdot 2$$

$$420 : 2$$

$$804 : 4$$

ҚЎЛЛАШ

Хоналардан бири ноль бўлганда уч хонали сонни бир хонали сонга ёзма равишда кўпайтириш ва бўлиш алгоритмини қўллаганишни биламан.

Устун шаклида ёзиб, амалларнинг бажарилиш тартиби бўйича ифоданинг қийматини топинг.

$$209 \cdot 3 + 636 : 6$$

АНАЛИЗ

Масалалар ечишда хоналардан бири ноль бўлганда уч хонали сонни бир хонали сонга ёзма равишда кўпайтириш ва бўлишни қўлланнишни биламан.

Қисқа ёзув бўйича масала тузинг ва уни ечинг.

Иккита кемада – 220 киши
Учта кемада – 303 киши $\left. \vphantom{\begin{matrix} 220 \\ 303 \end{matrix}} \right\} ?$ ортиқ

СИНТЕЗ

Уч амалли сонли ифодаларни таққослай оламан.

Жадвал бўйича ифода тузинг. Уларнинг қийматларини таққосланг.

Қўшилувчи	$880 : 4$	$707 : 7$
Қўшилувчи	$101 \cdot 5$	$410 \cdot 2$
Камаювчи	$340 \cdot 2$	$802 : 2$
Айрилувчи	199	$104 \cdot 3$

БАҲОЛАШ

Ёзма равишда бўлиш алгоритмининг тўғри ба-жарилганлигини текшира оламан.

Текширинг. Хатоларни тўғриланг.

	4	6	0	4	
	4			2	3
		6			
		6			
		0			

	6	3	0	5	
	6			2	1
		0			
		0			
			3		
			3		
			0		

Дарёлар




Сиз 1 000 тенгелик, 2 000 тенгелик, 5 000 тенгелик пулларни ажратишни ва улар билан турлича муомалалар юритишни ўрганасиз.




1. Расмдаги пулларни диққат билан қараб чиқинг. Улардан қайси-лари сизга таниш? Нотаниш пулларни айтинг.



2. 2 000 тенгелик, 5 000 тенгелик пулларнинг қандай майдаланган-лигини кўриб чиқинг. Уларни яна ҳам майдароқ пулларга қандай майдалаш мумкин?



3. Кўрсатилган қийматни турли усулда қандай олиш мумкин? Топшириқни кесма қоғозлар ёрдамида бажаринг: а) 9 000 тенге; б) 6 000 тенге; в) 3 000 тенге; г) 1000 тенге; д) 700 тенге.



4. Масалаларни ечинг. Масалани ечиш учун сизга қандай маълумотлар керак бўлганини аниқланг.

а) Есил дарёси бўйлаб теплоходда саёҳат қилишга 9 та сайёҳ келди. Улар катталарга мўлжалланган 1 000 тенгелик 3 та чипта ва болалар учун 500 тенгелик 6 та чипта сотиб олишди. Улар чипталар учун ҳаммаси бўлиб неча тенге пул тўлашди?

б) Есил дарёси бўйлаб теплоходда саёҳат қилишга эрталаб 50 та сайёҳ, пешинда 120 та, кечқурун пешинда келган сайёҳларга қараганда 3 марта кўп сайёҳ келди. Пешинда келган сайёҳларга қараганда кечқурун қанча ортиқ сайёҳ келган?



5. Ифодалар бўйича масалалар тузинг.

$$210 \cdot 2 + 150 \cdot 2$$

$$1000 - 490 \cdot 2$$






$$490 + 330 + 150$$

$$1000 - (330 + 400)$$

				
490 тенге	330 тенге	400 тенге	210 тенге	150 тенге

6. Сардор ва Оқиланинг ҳар қайсисида 5 000 тенгеден пуллари бор. Улардан ҳар бири дўкондан ўша қийматга қуйидаги буюмлардан қайсиларини сотиб олиши мумкин? Барча мумкин бўлган ҳолларни қараб чиқинг.

				
3 000	1 000	3 000	4 000	2 000

				
3 000	4 000	2 000	3 000	500



7. Сиз Қозоғистон ҳудудида 85 минг катта-кичик дарёлар борлигини биласизми?

Амалларнинг бажарилиш тартибини аниқлаб, ифодаларни ечинг. Чиққан натижаларни камайиб бориш тартибида ёзинг. Бунда Қозоғистондаги бир неча дарёларнинг узунлиги бўйича тартибини билиб оласиз.

Дарёнинг номи	Узунлиги (км)
Жайиқ	$580 : 5 + 196 \cdot 4 - 307$
Есил	$(182 \cdot 5 + 45) - 453$
Сирдарё	$1000 - 904 : 4 - 62$
Шу	$576 + 708 : 3 - 12$
Иле	$950 : 5 + 394 \cdot 2$
Тобол	$900 - 557 + 672 : 4$
Ертис	$179 \cdot 4 - 160 + 269$

8. Тенгламаларни ечинг.

$$x \cdot 7 = 330 - 274$$

$$(502 - 2) \cdot a = 1000$$

$$(x + 30) \cdot 5 = 365$$

$$x : 4 = 100 - 22$$



9. Учта саёҳатчи дўст – Акбар, Мансур ва Юсуф қайиқда дарёнинг бир қирғоғидан иккинчи қирғоғига ўтмоқчи бўлишди. Қайиқ 100 кг дан ортиқ юкни кўтара олмайди. Акбар ўз вазни 54 кг, дўсти Юсуф эса вазни 46 кг эканини билади. Мансурнинг вазни тахминан 70 кг эди. Улар дарёдан қандай йўл билан ўтишлари мумкин?



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



Музликлар ва музтоғлар



Сиз 1 000 тенгелик, 2 000 тенгелик, 5 000 тенгелик пулларни ажратишни ва улар билан турлича муомалалар юритишни ўрганасиз.

1. Саёхатчилар музликларни кўришга бориш учун автобусга чипта сотиб олишди. Катталар учун чипта 800 тенге, болалар чиптаси эса 500 тенге туради. Ҳар қайси чипта баҳосини турли қоғоз пул ва чақалар билан қандай йиғиш мумкин?



М.и.

2. Масалаларни ечинг.

- а) Музликларни тадқиқ қилувчилар йўлга дўкондан 500 тенгеден 2 та идишда консерваланган гўшт ва 250 тенгедан 4 та идишда консерваланган балиқ сотиб олишди. Улар сотувчига 5 000 тенге беришди. Сотувчи уларга қанча қайтим бериши керак?
- б) Ёш альпинист дўкондан 1 метри 250 тенге бўлган спорт арқонини сотиб олди. Шундай 3 м арқон қанча туради? 4 м арқончи?

3. Жадвал бўйича масалалар тузинг. Уларни ечинг.

а)

Товар	Баҳоси	Сони	Умумий баҳоси
	бир хил	3	?
		2	6 000 тг

ә)

Товар	Баҳоси	Сони	Умумий баҳоси
	5 000 тг	бир хил	10 000 тг
	3 000 тг		?

4. Тенгламаларни ечиб, ҳар бир расмда қандай музлик тасвирланганлигини аниқланг.



Музликлар	Жойлашган ўрни	
Корженевский музлиги	Иле Алатаудаги Есик дарёсининг ҳавзаси	$x : 2 = 750 : 6$
Туйиқсу музлиги	Тянь-Шаньнинг шимолий тизмаларидан бири	$y + 565 = 207 \cdot 4$
Жанғириқ музлиги	Иле Алатаунинг жанубий ёнбағири	$y : 4 = 318 : 3$
Абай музлиги	Жунғор (Жетисув) Алатаунинг шимолий ёнбағридаги Басқан дарёсининг ҳавзаси	$y - 120 = 203 \cdot 3$



5. Амалларнинг бажарилиш тартибини аниқланг ва ҳисобланг.

$$876 : 2 - 672 : 4 + (1000 - 703)$$

$$(315 \cdot 3 - 179 \cdot 4) - 65 + 768$$




6. Масалани ечинг.

Музтоғ (айсберг)нинг сув сиртидаги қисмининг баландлиги 15 м, сув остидаги қисмининг баландлиги ундан 6 марта ортиқ. Музтоғнинг умумий баландлиги неча метр?



Тескари масала тузинг ва уни ечинг.

7. Чизма бўйича ифода тузинг ва унинг қийматини топинг.



8. 5 та чақадан биттаси қалбаки. У бошқаларидан енгилроқ. Қалбаки чақани топиш учун, қадоктошлардан фойдаланмай, паллали тарозида чақаларни неча марта тортиб ўлчаш керак?



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



Ҳаво таркибидаги сув



Сиз сонлар тўплагининг ички тўплагининг элементларининг берилган ёки ўзингиз аниқлаган хоссалари бўйича тузишни ўрганасиз.





1. Расмларни кўриб чиқинг. Уларда нима тасвирланган? Уларни қандай иккита тўпламга бўлиш мумкин? Кесма қоғозлар ёрдамида топшириқни бажаринг.


Қисм тўплам



2. Тўпламларни кўриб чиқинг. Уларга ном беринг. Иккита тўплам элементларининг умумий хоссаларини аниқланг. Булар қандай тўпламлар? Уларни қандай яққол тасвирлаш мумкин?



Агар A тўплагининг ҳар бир элементи B тўплагига тегишли бўлса, у ҳолда A тўплам B тўплагининг қисм тўплами деб аталади. У $A \subset B$ каби белгиланади ва A тўплам B тўплагига тегишли деб ўқилади. Тўпламларнинг ўзаро нисбатини Эйлер-Венн диаграммаси ёрдамида кўрсатиш мумкин.




Бўш тўплам ҳар қандай тўплагининг қисм тўплами бўлиб ҳисобланади.




3. а) Тўпламларни қаранг. Тўплам элементларини айтинг. Тўпламларни қандай номлаш мумкин? Икки тўплам элементларининг умумий хоссасини аниқланг. Тўпламлардан қайси бири қисм тўплам? Буни \subset белгиси ёрдамида қандай ёзиш мумкин.



б) Берилган тўплам элементларидан ўзингиз аниқлаган хоссалар бўйича иккита қисм тўплам тузинг. Ҳар бир тўплам элементларини ёзинг. Эйлер-Венн диаграммаси ёрдамида тасвирланг.



4. Тўпламларга қараб чиқинг. Уларнинг элементларини айтинг. Тўпламларни қандай номлаш мумкин? Тўпламлар элементларининг умумий хоссаларини аниқланг. Тўпламларнинг ўзаро нисбатини \subset белгиси орқали ифодаланг.



$$A = \{3; 15; 17; 23; 27; 30; 32\}$$

$$B = \{15; 27; 32\}$$




5. а) А ва В тўпламлар берилган. Тўпламлардан қайси бири қисм тўплам бўлади? Эйлер-Венн диаграммасини чизинг ва унга ҳар қайси тўплам элементларини ёзинг. Қисм тўплам тузиш мумкинми?

ё) $C = \{10, 12, 13, 20, 22, 26, 30, 32, 37, 40, 42\}$ тўплам берилган. Берилган тўплам элементларидан ўзингиз аниқлаган хоссалар бўйича битта қисм тўплам тузинг. Эйлер-Венн диаграммасини чизинг ва унга ҳар қайси тўплам элементларини ёзинг. Иккита қисм тўплам тузиш мумкинми?



Мустақил равишда сонлар тўпланини ёзинг ва ундан қисм тўплам тузинг.

7. Ҳисобланг. Расмда қандай табиат ҳодисаси тасвирланганини тушунтиринг.



8. Подшога ёшартирадиган олмани олиб келиш учун ботир сеҳрли боғга олиб борадиган ягона йўлни топиши керак. Ботир учта йўлнинг айрилиш жойида қари қарғани учратади ва қарға унга бундай маслаҳат беради:

- 1) Ҳозир ўнг томондаги сўқмоқдан юр;
- 2) Кейинги чорраҳада ўнг томондаги сўқмоқни танлама;
- 3) Учинчи чорраҳада чап томондаги сўқмоқдан юрма.

Шу атрофдан учиб кетаётган кабутар ботирга қарға берган маслаҳатлардан фақат биттаси тўғри эканлигини ва албатта йўлнинг турли йўналишларидаги сўқмоқлардан юриб ўтиш кераклигини шивирлади. Ботир топшириқни бажариб, сеҳрли боғга кирди. У қайси йўналишни танлаган?



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



Сувни муҳофаза қилиш



Сиз сонлар тўпамининг қисм тўплamlарини элементларнинг берилган ёки ўзингиз аниқлаган хоссалари бўйича тузишни ўрганасиз.

1. Амалларни бажаринг. Чиққан натижаларни ўсиб бориш тартибда жойлаштириб, ҳосил бўлган мақолни ўқинг. Мақол маъносини тушунтиринг.

ҳам	сувнинг	бор	сўроғи
$(1000 - 225) : 5 - 76 : 19$	$269 \cdot 2 - (864 - 435)$	$87 : 29 \cdot (542 - 307)$	$104 \cdot 3 + 92 : 23$

М.и.


2. а) C – тўртбурчаклар тўплами. A – тўғри тўртбурчаклар тўплами. B – квадратлар тўплами.

Фигураларнинг умумий хоссаларини аниқланг. Тўплamlардан қайси бири қисм тўплам бўлишини аниқланг. Эйлер-Венн диаграммаси ёрдамида тасвирланг, унга фигуралар расмларини чизинг.




- б) N – икки хонали натурал сонлар тўплами. A – 30 дан кичик икки хонали натурал сонлар тўплами. B – 30 га тенг ва ундан катта икки хонали натурал сонлар тўплами. Тўплamlардан қайси бири қисм тўплам бўлишини аниқланг. Эйлер-Венн диаграммасида тасвирланг, унга бир неча элементларни ёзинг.

3. A тўплам элементларидан мустақил аниқлаган хоссалар бўйича битта ички тўплам тузинг. Эйлер-Венн диаграммасига ҳар бир тўплам элементларини ёзинг. Иккита қисм тўплам тузиш мумкинми?





4. Учта тўплам берилган. Биринчи тўплам – 100 га тенг ва ундан кичик натурал сонлар тўплами. Иккинчи тўплам – бир хонали натурал сонлар тўплами. Учинчи тўплам – икки хонали натурал сонлар тўплами. Ҳар қайси тўплам элементларини ёзинг. Берилган тўпламларнинг расмдаги қизил, яшил ва кўк рангли тўпламлардан қайси бирига мос келишини аниқланг.



Мустақил равишда тўпламларга мисол ўйлаб ёзинг. Унинг ички тўпламини тузинг.



5. Сувнинг ифлосланиш манбаларини айтинг. Сувни ифлосланишдан қандай муҳофаза қилиш мумкин? Сувни қандай тежаш мумкин?

Сувнинг ифлосланиш манбалари

Чиқинди
саноат
суви

973 – 646



Коммунал-
хўжаликнинг чиқинди
суви

579 + 298



Қишлоқ хўжалиги
ишлаб чиқаришининг
чиқинди суви


203 · 2



Транспорт

108 · 2

Ифодаларнинг қийматини топинг. Сиз сонларни ўсиб бориш тартибида айтиб, энг йирик сувнинг ифлосланиш манбаларини билиб оласиз. Диаграммадаги сувнинг ҳар бир ифлосланиш манбаларини айтинг.








6. Масалаларни ечинг.

- а) Агар жўмрак тўғри ёпилмаган бўлса, бир суткада 20 л сув оқиб кетади. Болалар мактабда 3 та жўмракни тўғри ёпишмади. Ушбу ҳол бир суткада неча литр сувнинг оқиб кетишига сабаб бўлади? Икки суткада-чи? Уч суткада-чи?
- б) Хонадонда сув қувиридан сув томиб турибди. Томаётган сувдан 6 минутда 1 стакан тўлади. Агар 1 литр сув 5 стакан бўлса, у ҳолда 1 соатда неча литр сув исроф бўлади? 1 суткада-чи?
- в) Оқиб турган сув остида кўп сондаги идиш-товоқни ювиш учун 100 литргача сув сарфланади. Агар раковина тешигини тиқин билан ёпиб қўйиб, кераклича сув қўйиб олиб ювилса, 20 л сув сарфланар экан. Агар идиш-товоқ иккинчи усулда бир кунда 3 марта ювилса, у ҳолда неча литр сувни тежаш мумкин?



7. Кўпбурчаклар томонларининг узунликларини ўлчанг. Уларнинг периметрларини топинг.



8. Бочкада 28 литр сув бор. Қўлимизда эса 7 литрли челақ ва 4 литрли чўмич бор. Бочкадан челақка 6 литр сувни қўйиб олиш керак. Ўша идишлар ёрдамида сувни қандай қўйиб олиш мумкин?

Идишлар	1-қадам	2-қадам	3-қадам	4-қадам	5-қадам	6-қадам	7-қадам
28 л							
7 л							
4 л							



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



Табиат қўйнида дам олиш маданияти



Сиз рост ва ёлғон мулоҳазалар тузишни ўрганиб оласиз.



1. Ушбу гаплардан қайси бири мулоҳаза бўлиб ҳисобланади?

- а) Қандай қуёшли кун!
- б) 102 билан 4 сонларининг кўпайтмаси 408 га тенг.
- в) Сиз табиат қўйнида дам олишни ёқтирасизми?
- г) Астана – Қозоғистон Республикасининг пойтахти.
- д) 8 – жуфт сон.
- е) 3 ва 5 сонлари йиғиндисининг қиймати 8 га тенг.
- ё) Сиз театрга бордингизми?
- ж) Илтимос, менга китоб олиб келинг!

М.и.


2. Мулоҳазаларнинг рост ёки ёлғон эканлигини аниқланг.

- а) Табиат қўйнида дам олгандан сўнг ахлатларни ташлаб кетиш мумкин.
- б) Табиат қўйнида дам олганда спорт ўйинларини ташкил қилиш мумкин эмас.
- в) Табиат қўйнида дам олганда дўмбира тортиб қўшиқ куйлаш мумкин.
- г) Табиат қўйнида дам олганда сувда чўмилиш ман қилинади.
- д) Табиат қўйнида дам олиб бўлгандан кейин гулханни ўчириш шарт эмас.
- е) Табиат қўйнида дам олганда балиқ овлаш мумкин.
- ё) Табиат қўйнида дам олганда отда саёҳат қилиш мумкин.
- ж) Табиат қўйнида дам олганда суратга тушиш мумкин эмас.
- з) Табиат қўйнида дам олганда қайиқда сузиш мумкин эмас.



3. Расмни қараб чиқинг. Мулоҳазаларнинг рост ёки ёлғон эканлигини аниқланг. Расм бўйича рост ёки ёлғон мулоҳазалар тузинг.

- Расмда табиат қўйнидаги дам олиш тасвирланган.
- Расмда оила ошхонада кечки овқат устида тасвирланган.
- Расмда қиш фаслидаги оилавий дам олиш тасвирланган.



Расм асосида мустақил рост ва ёлғон мулоҳазалар тузинг.



4. Сардор ва Шодиёна ўқувчилардан табиат қўйнида қандай дам олишни кўпроқ маъқул кўришларини сўради. Уларнинг жавобларини жадвалга туширишди. Жадвалдан фойдаланиб, рост ва ёлғон мулоҳазалар тузинг.

	Тоққа чиқиш	Отда сайр қилиш	Мева териш	Сувга тушиш	Балиқ овлаш	Қўзиқорин териш	Қайиқда саёҳат қилиш
Одина	+		+				+
Жасур		+		+	+		
Камол	+					+	+
Юсуф	+	+			+		
Озода			+	+			+
Султон		+		+	+		
Омина	+	+				+	



5. а) Кўпайтмаларни кўпайтувчиларнинг квадратлари ёки кубни кўринишида ёзиб, ифодаларнинг қийматларини топинг.

$$7 \cdot 7 \cdot 7$$

$$15 \cdot 15$$

$$9 \cdot 9 \cdot 9$$

$$10 \cdot 10$$

$$6 \cdot 6 \cdot 6$$

$$25 \cdot 25$$

б) Кўпайтувчиларнинг квадрати ёки кубини кўпайтма кўринишида ёзиб, ифодаларнинг қийматини топинг.

$$7^3 + 457$$

$$15^2 - 85$$

$$9^3 - 236$$

$$10^2 + 671$$

$$6^3 + 704$$

$$25^2 - 198$$

6. Масалаларни ечинг.

а) Табиатда дам олувчиларга спорт ўйинлари уюштирилди. 36 киши волейбол ўйинига, ундан 2 марта ортиқ киши футбол ўйинига қатнашди. Волейбол ва футбол ўйинида қанча киши иштирок этса, шунча киши эстафета ўйинларида иштирок этди. Спорт ўйинларига ҳаммаси бўлиб қанча одам иштирок этган?

б) Табиатда дам олиш марказида 250 та одам дам олмоқда. Улардан 86 таси қояларга чиқиш билан шуғулланди, ундан 2 марта кам одам отда саёҳат қилди. Қолганлари эса тоққа чиқишди. Неча одам тоққа чиққан?



7. Қутида 7 та қалам бор. Улардан 3 таси кўк ва 4 таси қизил. Қутига қарамасдан орасида энг камида битта қизил қалам бўлиши учун, ундан нечта қалам олиш керак?



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



Табиатда дам олиш маданияти



Сиз жадвал ва графлар ясаш усулида мантиқий фикрлашга оид масалаларни ечасиз.



1. а) Масалани жадвал ёрдамида ечинг.

Табиатда дам олиш учун Раънода 2 та кепка ва 3 та футболка бор. Улардан кийимнинг неча турли жуфтини ҳосил қилиш мумкин?



б) Масалани граф ясаш усулида ечинг.




Шу каби масала тузинг ва уни граф ёрдамида ечинг.

М.и.

2. Масалани “имкониятлар дарахти” ёрдамида ечдик. Энди масалани жадвал тузиш усулида ечинг.

Табиатда дам олганда қуриладиган чодирнинг учта модели бор ва ҳар бир модели тўрт хил рангда. Улар: оқ, кўк, сариқ, қизил ранглар. Табиатда чодирнинг неча хил нусхасини қуриш мумкин?



3. Сардор ва Шодиёна ёзги таътилни табиатда ўтказишни режалаштиришди. Ҳисоблашларни қулай усулда бажаринг. Ифодаларнинг қийматини ўсиб бориш тартибида жойлаштиринг. Шунда сиз болаларнинг ушбу жойларга қандай тартибда борганлигини аниқлайсиз.



Алма-Арасан дараси

$$(5 \cdot 3) \cdot 20$$



Қайинди кўли

$$(7 \cdot 2) \cdot 50$$



Катта Алмати кўли

$$(50 \cdot 5) \cdot 2$$



Чарин дараси

$$60 \cdot (3 \cdot 5)$$

4. Расмлар ва ифодалар бўйича масалалар тузинг.



– 130 тенге



– 450 тенге

а) $130 + 450$

б) $450 - 130$

г) $130 \cdot 6$

ә) $450 \cdot 2$

в) $450 + 130 \cdot 2$

д) $450 - 130 \cdot 3$



5. Масалани ечинг.

а) Сайёҳлар кўлга бориш учун йўлга чиқишди. Улар шаршарагача 48 минут йўл юришди. Бу – жами йўлга кетган вақтнинг $\frac{1}{4}$ қисми. Сайёҳлар кўлгача бўлган йўлга қанча вақт сарфлашди?

б) Тескари масала тузинг ва уни ечинг.



6. Масалани граф тузиш усулида ечинг.

Қорабулоқ қишлоғидан Оқсой қишлоғига 3 та йўл билан бориш мумкин. Оқсойдан Дмитриевкагача тўртта йўл бор. Қорабулоқдан Дмитриевкага Оқсой орқали неча усул билан бориш мумкин?



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



Истироҳат боғида дам олиш маданияти



Сиз масалалар модулини тузишни ўрганасиз.

1. Жадвалдан фойдаланиб масалалар тузинг.

Болаларнинг кинога кириш чиптаси	500 тенге
Музқаймоқ	200 тенге
Автобусда болалар чиптаси	40 тенге
Шарбат	75 тенге
Болаларнинг театрга кириш чиптаси	350 тенге
Истироҳат боғига кириш чиптаси	70 тенге
Карусель	400 тенге
Тасвир чархпалаги	500 тенге
Батут	200 тенге
Болалар темир йўли	250 тенге



2. Расм бўйича масала тузинг ва уларни ечинг.

а)  125 тг	б)  136 тг	в)  248 тг
4 та шарбат – ? тг	7 та шоколад – ? тг	3 та конфет – ? тг




3. Сиз 700 тенгега нима сотиб олишингиз мумкин?



4. Масалаларни ечинг.

- а) Истироҳат боғида 436 киши ҳордиқ чиқармоқда. Улардан 125 таси – катта ёшлилар, ўсмирлар 2 марта ортиқ, қолганлари эса болалар. Истироҳат боғида ҳаммаси бўлиб қанча бола дам олмақда.
- б) Истироҳат боғида дам олаётган болалардан 46 таси болалар шаҳарчасида, улардан 4 марта кўп бола турли аттракционларда ўйнаб юришибди. Аттракционда қанча бола ўйнамоқда?

5. Жадвал бўйича масалалар тузинг ва уларни ечинг.

	Баҳоси	Сони	Умумий баҳоси
	200 тенге	3	} ? тенге
	250 тенге	2	




6. Қисқа ёзув бўйича масала тузинг ва уни ечинг.

3 та автобусда – 25 тадан бола
5 та автобусда – 38 тадан бола } ? бола



7. Диаграммада истироҳат боғида ҳордиқ чиқарувчилар ҳақида маълумотлар берилган.



Масалалар тузинг ва уларни ечинг.

8. Тенгламаларни ечинг.

$$x : 5 = 600 : 6$$


$$150 + x = 97 + 540 + 62$$

$$y - 98 = 325 + 420$$

$$650 - y = 65 \cdot 2$$



9. Тўтиқуш ва чумчуқ мас-сасини аниқланг.



10. Мансур, Орзу, Гавҳар, Нодир ва Бехруз истироҳат боғида музқаймоқ олиш учун навбатда туришибди. Гавҳар ва Бехруз олдинма-кетин эмас, Нодир эса Мансур билан ҳам, Гавҳар билан ҳам олдинма-кетин эмас. Болалар қандай тартибда туришибди?



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



Истироҳат боғида дам олиш маданияти



Сиз 2-3 амалли масалалар модулини тузасиз.

1. Болалар истироҳат боғида пулларига қуйидаги ширинликларни сотиб олган бўлса, улар қанча қайтим олган?

Бор эди

1 000 тенге

800 тенге

700 тенге

Сотиб олинди



80 тенгедан

90 тенгедан

60 тенгедан

Қолди?

М.и.

2. Масалаларни ечинг.

- а) Болалар учун истироҳат боғига кириш чиптаси 70 тенге, катталар билети ундан 30 тенге қиммат. Истироҳат боғига кириш учун 2 та катта ёшли ва 3 та болали оила неча тенге тўлашлари керак?
- б) Истироҳат боғидаги “Қулги хонаси”га битта оила 125 тенгелик 2 та катта ёшлилар чиптасини ва 80 тенгелик 5 та болалар чиптасини сотиб олди. Катталар чиптасига қараганда болалар чиптасига неча тенге ортиқ тўланган?



3. Қўйидаги ифодаларга масалалар тузинг ва уларни ечинг.

а) $107 \cdot 6 + 102 \cdot 3$

ә) $107 \cdot 6 - 102 \cdot 3$




Бир донаси -
102 тг



Бир донаси -
107 тг



4. Диаграммада “Хаёлот олами” истироҳат боғидаги аттракционлар тури ва сони ҳақида маълумот берилган. Масалалар тузинг ва уларни ечинг.



5. Тўғри тенгликлар ҳосил бўлиши учун керакли жойларга арифметик амалларни ва қавсларни қўйинг. Ҳар қайси тенгликка мос расмни тушунтиринг. Истироҳат боғида тўғри дам олиш маданияти деганини қандай тушунасиз?



$5 \square 3 \square 4 = 17$ $30 \square 3 \square 7 = 9$ $5 \square 8 \square 4 = 52$ $20 \square 5 \square 6 = 24$



6. Қўтида рангли қоғоздан ясалган 8 та қизил, 4 та кўк ва 4 та яшил рангли ўйинчоқ бор. Улар орасидан:

а) энг камида битта рангли 4 та ўйинчоқ;

б) энг камида биттадан қизил, кўк ва яшил рангли ўйинчоқлар бўлиши учун энг камида қанча шар олиш керак?



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.




Ҳовлида дам олиш маданияти



Сиз масалалар ечишда катталикларнинг ўзаро боғлиқлигидан фойдаланишни ўрганасиз.

1. Катталиклар учбурчагини кўриб чиқинг.



Берилган масалаларни ечиш учун уларнинг қайси биридан фойдаланиш мумкин?



а) Ҳовлига бўйи 9 м ва эни 7 м бўлган болалар майдончаси қурилди. Болалар майдончасининг юзи қандай?


б) Ҳовлидаги бир ўриндиқни бўяш учун 320 г бўёқ сарфланди. Шундай 3 та ўриндиқни бўяш учун неча грамм бўёқ керак?



в) Бир банка бўёқнинг массаси 180 г. Ана шундай 4 та банкада неча грамм бўёқ бор?


М.и.

2. Жадвал бўйича масалалар тузинг ва уларни ечинг.

а)	Баҳоси	Сони	Нархи
	75 тг	6	} ?
	104 тг	5	




б)	Битта нарсанинг массаси	Сони	Умумий масса
	125 г	бир хил	?
	250 г		1 000 г



3. Ҳовлидаги теннис столининг юзи 192 м². Агар эни 8 м бўлса, столнинг бўйи қанча бўлади?



4. Расмни қараб чиқинг. Ҳовлидаги қумдоннинг периметрини ҳисобланг. Қумдоннинг сиртини ёпиб қўядиган материални тайёрлаш учун унинг юзи қандай бўлиши керак.



5. Жадвал бўйича масала тузинг ва уни ечинг.

Баҳоси	Сони	Умумий баҳоси
45 тг	8	} ? ? тг
64 тг	6	



6. Ҳовлида болалар турникка тортилиш бўйича мусобақалашди. Жадвалга қаранг. Саволларга жавоб беринг. Болалардан ҳар қайсиси ҳаммаси бўлиб неча марта тортилганини қулай усулда ҳисобланг.

Исми	Биринчи марта	Иккинчи марта	Учинчи марта	Ҳаммаси бўлиб
Санжар	12	11	18	<input type="checkbox"/> + <input type="checkbox"/> + <input type="checkbox"/> = <input type="checkbox"/>
Асқар	17	16	13	<input type="checkbox"/> + <input type="checkbox"/> + <input type="checkbox"/> = <input type="checkbox"/>
Ғайрат	16	14	17	<input type="checkbox"/> + <input type="checkbox"/> + <input type="checkbox"/> = <input type="checkbox"/>

Болалардан қайси бири турникка кўп тортилди?

Бошқа болалар улардан қанча қолиб кетди?



7. Биринчи альбомда 26 та фотосурат, иккинчи альбомда 32 та фотосурат бор. Заҳро иккинчи альбомдан биринчисига бир нечта фотосуратни алмаштиргандан кейин альбомлардаги фотосуратларнинг сони тенг бўлди. Заҳро нечта фотосуратни алмаштирган?



Даре мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.




Ҳовлида дам олиш маданияти



Сиз масалалар ечишда катталикларнинг ўзаро боғлиқлигидан фойдаланишни ўрганасиз.



1. Катталиклар учбурчаги тузинг. Катталикларни учбурчакка жойлаштиринг. Масалани ечиш учун учбурчакдан қандай фойдаланиш мумкин?



- Юзи
- Битта нарса-нинг массаси
- Баҳоси
- Бўйи
- Умумий массаси
- Сони
- Умумий баҳоси
- Эни




Ўзаро боғланган катталиклар билан масалалар тузинг ва уларни ечинг.


М.и.

2. Жадвал бўйича масалалар тузинг ва уларни ечинг.



Битта нарса-нинг массаси	Сони	Умумий массаси
500 г	бир хил	?
200 г		1000 г



Баҳоси	Сони	Умумий баҳоси
? тенге	10	бир хил
400 тенге	2	



3. Фигураларнинг юзини топинг.




4. Масалани ечинг.

а) Сардор ҳовлидаги дўстлари билан бирга туғилган кунини нишонлади. У ҳовлини безантиришга 10 донадан 5 та қутида рангли шар, ундан 2 марта кам туғилган кунда кийиладиган қалпоқлар ва қалпоқлардан 5 марта кам поқилдоқ олиб келди. У қанча поқилдоқ олиб келган?



б) Сардорнинг туғилган кунда дўстлари ҳовлида осмонга турли учириб ўйнашди. нинг юзини ҳисобланг.



5. Ҳисобланг.

$$706 - 71 \cdot 2$$

$$37 \cdot 3 + 150 \cdot 2$$

$$630 : (401 - 398)$$

$$167 + 58 \cdot 3$$

$$900 - 349 + 54$$

$$378 + 452 + 49$$

$$(820 + 170) : 3$$

$$(370 + 180) : 5$$

$$(390 + 290) : 4$$



6. Ишчилар болалар майдончасини қуриш учун ўлчов ишларини олиб боришди. Улар иккита квадрат шаклидаги майдончани тайёрлашди. Уларнинг периметрларини ҳисоблаб, натижада 90 дан ошмайдиган сонлар олинди. Периметрлардан бири иккинчисининг рақамларини алмаштириш натижасида ҳосил бўлди. Бу майдончаларнинг периметрлари қандай бўлиши мумкин?



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



Оромгоҳда дам олиш маданияти



Сиз 2-3 амалли масалаларни ечасиз ва “битта нарсага сарфланган харажат”, “нарсалар сони”, “умумий харажат” тушунчаларининг ўзаро боғланишидан фойдаланасиз.


1. Расм асосида масалалар тузинг ва уларни ечинг.



12 кг



9 кг



М.и.

2. Масалаларни ечинг.



а) Ёзги оромгоҳда дам олувчи болаларнинг 69 таси инглиз тили, ундан 3 марта кам бола математика тўғарагига қатнашади. Инглиз тили ва математика тўғарақларига қанча бола қатнашса, шунча бола ўзига керак бўлган турли хил тўғарақларга қатнашади. Тўғарақларга жами нечта бола қатнашади?




б) Ёзги оромгоҳда дам олувчи 145 та боланинг 24 таси сахна кўринишига қатнашади, улардан 2 марта ортиқ бола рақс тушади ва қолганлари томошабин бўлишади. Нечта бола томошабин бўлади?




3. Жадвал бўйича масала тузинг ва уни ечинг.

Битта нарсага сарфланган харажат	Нарсалар сони	Умумий харажат
 1 м 10 см	5	? } ?
 70 см	6	





4. Диаграммада ёзги оромгоҳда дам олган болалар ҳақида маълумот берилган. Диаграмма бўйича саволлар тузиб, уни дўсти-нгизга беринг.



Масалалар тузиб, уларни ечинг.

5. Ҳисобланг.

$$112 \text{ см} \cdot 5$$

$$985 \text{ кг} : 5$$

$$14 \text{ см } 7 \text{ мм} : 7$$

$$6 \text{ см } 6 \text{ мм} \cdot 2$$

$$322 \text{ м} \cdot 3$$


$$189 \text{ мм} : 9$$

$$2 \text{ ц } 68 \text{ кг} : 4$$

$$2 \text{ ц } 5 \text{ кг} \cdot 3$$

6. Чизма асосида масалани ечинг.

Оромгоҳ ошхонасида 25 килограмми 4 яшик бананни болаларга бергандан кейин унда яна 38 кг банан қолди. Ошхонада жами неча килограмм банан бўлган?



7. а) Мен бир сон ўйладим. Уни 5 га кўпайтирганда 60 ҳосил бўлди. Мен қандай сон ўйладим?

б) 6 сони номаълум сондан 39 та кам. Номаълум сонни топинг.

в) Мен ўйлаган сон 58 га қараганда 18 та кам. Мен қандай сон ўйладим?

г) Агар 62 сони мен ўйлаган сондан 27 та ортиқ эканлиги маълум бўлса, у ҳолда мен ўйлаган сонни топинг.



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



151 Билвосита саволлар билан тузилган масалаларни ечиш

Оромгоҳда дам олиш маданияти



Сиз билвосита саволлар билан тузилган масалаларни ечишни ўрганасиз.

1. Масалани ечинг.

- а) Оромгоҳда мактабгача тайёргарлик синфидан 27 та бола дам олди, бу ўқувчиларга қараганда 3 марта кам. Оромгоҳда жами нечта бола дам олган?
- б) Оромгоҳнинг ошхонасига 155 кг ун олиб келинди, бу олиб келинган қанддан 5 марта ортиқ. Ошхонага жами неча килограмм ун ва қанд олиб келинган?
- в) Ёзда мактабимизнинг 146 ўқувчиси оромгоҳга дам олишга боришди, бу қишлоққа дам олишга борганларга қараганда 2 марта ортиқ. Қишлоққа нечта бола дам олишга борган?



2. Қисқа ёзув бўйича масала тузиб, уларни ечинг.



а) Ҳикоялар тўплами – 21 бола $\left[\begin{array}{l} \\ \end{array} \right]$ 3 марта ортиқ } ? та бола
Шеърлар тўплами – ? та бола \leftarrow

ә) 1-гурух – ? та бола $\left[\begin{array}{l} \\ \end{array} \right]$ 2 марта кам $\left. \begin{array}{l} \\ \end{array} \right\}$? та бола ортиқ
2-гурух – 24 та бола \leftarrow



Ўзингиз шунга ўхшаш масала тузиб, уни ечинг.

3. Амалларни бажаринг.

$$208 \cdot 4 - (365 + 439)$$

$$(1000 - 775) : (85 : 17)$$

$$56 \cdot 7 + (1000 - 539)$$

$$72 : 18 \cdot (732 - 539)$$

$$918 : 3 + (506 - 98)$$

$$92 : 23 \cdot (102 + 25)$$

$$(54 + 907) - 265 : 5$$

$$846 : (93 : 31)$$

4. Тенгламаларни ечинг.

$$1000 - y = 45 \cdot 3$$

$$231 + x = 909 : 3$$

$$75 : x = 50 : 10$$

$$20 \cdot a - 432 = 568$$

$$963 - x + 579 = 900$$

$$x - 465 = 76 \cdot 5$$



5. Масалаларни ечинг.

а) Ёзги оромгоҳда дам олаётган болаларнинг 64 таси тоққа сайр қилгани кетишди, бу оромгоҳда қолган болалардан 4 марта кам. Оромгоҳда жами нечта бола дам олган?

б) Ёзги оромгоҳда дам олаётган болаларнинг 156 таси ўғил болалар, бу эса қиз болалардан 2 марта ортиқ. Оромгоҳда жами нечта бола дам олаяпти?



6. Тўғри тенглик ҳосил бўладиган қилиб керакли жойларга қавслар қўйинг.

а) $7 \cdot 8 + 4 : 4 + 2 = 23$

ә) $7 \cdot 8 + 4 : 4 + 2 = 59$

7. Масалаларни ечинг.

а) Оромгоҳдаги ошхонага ҳар бирида 3 кг дан 42 та халта гуруч ва ҳар бирида 2 кг дан 48 та халта мош олиб келинди. Қандай ёрма ортиқ олиб келинди ва неча килограмм ортиқ?

б) Тоғдаги оромгоҳга дам олишга 96 та бола ва 24 та катта ёшли кишилар келишди. Уларнинг ҳаммаси ҳар бир чодирга 6 кишидан жойлаштирилди. Нечта чодир керак бўлди?



8. Ёзги оромгоҳдан қайтаётганда дўстлар бир-бирлари билан сурат алмашишди. Яъни ҳар бири ўзининг битта суратини берди. Уларга бунинг учун жами 6 та сурат керак бўлди. Нечта дўст бўлганини аниқланг.



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



152 Билвосита саволар билан тузилган масалаларни ечиш

Жамоат жойларида дам олиш маданияти



Сиз билвосита саволар билан тузилган масалаларни ечишни ўрганасиз.



1. Берилган маълумотлардан фойдаланиб, масалалар тузинг.

...45 та бола, бу катталарга қараганда 3 марта ортиқ

...25 минут, бу пиёда юргандан 5 марта кам

М.и.

2. Масалаларни ечинг.

а) Марказий музейга экскурсияга тушгача 205 та бола келди, бу тушдан кейин келган болалардан 68 та ортиқ. Музейга жами нечта бола келган?




б) Миллий кутубхонанинг санъат бўлимига бир кунда 160 та китобхон келди, бу мультимедия бўлимида бўлган китобхонлардан 4 марта ортиқ. Мультимедия ва санъат бўлимида биргаликда қанча бўлса, “Қозоғистон китоблари” бўлимида шунча китобхон бўлади. “Қозоғистон китоблари” бўлимига нечта китобхон келди?



3. Чизмалар бўйича масалалар тузиб, уларни ечинг.

а)  ? нечта ортиқ

а)  ?





4. Масалаларни ечинг.

- Театрнинг атрофига 150 та қайин кўчати, терак кўчати эса ундан 2 марта ортиқ ўтқазилди. Жами нечта кўчат ўтқазилди?
- Театрнинг атрофида 150 та қайин кўчати ўтқазилди, бу терак кўчатига қараганда 2 марта ортиқ. Ҳаммаси бўлиб нечта кўчат ўтқазилган?



5. Жадвал асосида Азизанинг оила аъзоларининг бўш вақтларида нима билан шуғулланишини аниқланг. Пиктограмма бўйича саволлар тузинг. Уни гуруҳ аъзоларига беринг.



Оила аъзоларинингизнинг қандай маданият муассасаларига боришни ёқтиришлари ҳақида пиктограмма тузинг.



6. Қонуниятни аниқланг ва икки томонига иккита рақамдан ёзиб, қаторни тўлдилинг:

- ..., 5, 7, 9, ...;
- ..., 5, 6, 9, 10,



Даре мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



Маданий дам олиш жойлари



Сиз 3 амалли масалаларни ечасиз ва таҳлил қиласиз.



Биласизми, ЭКСПО 2017 – Халқаро кўргазма Қозоғистон пойтахти – Астанада ташкил қилинган? Кўргазма 2017 йилнинг 10 июнидан 10 майгача давом этди. Кўргазма мавзуси – “Future Energy” (Келажак энергияси).

- Ифоданинг қийматини топинг ва сиз ЭКСПО 2017да нечта давлат иштирок этганлигини билиб оласиз.

$$(196 \cdot 4 - 439) : 3$$



- Масалаларни ечинг.

- Ойдин синфдошлари, ўқитувчиси ва ота-оналар билан Экспо 2017 кўргазмасига борди. Автобусда йўл ҳақи учун 6 та катталар 90 тенгедан, 10 та бола эса 45 тенгедан тўлашди. Ҳаммаси бўлиб йўл ҳақи учун неча пул тўланган?
- Сардор ўз дўстлари билан Экспо 2017 ҳудудидаги театрлаштирилган сахнани кўришга борди. Улар 500 тенгедан 2 та чипта ва 200 тенгедан 5та чипта сотиб олишди. Чипталар учун ҳаммаси бўлиб улар неча пул тўлашган?



- Масалани ечинг.

Концерт иштирокчилари учун костюм тикиш учун мато сотиб олишди. Бир ўрамда 324 м мато, иккинчисидан эса 131 м кам. Агар битта кўйлак учун 4 м мато ишлатилган бўлса, икки ўрамдан нечта кўйлак тикиш мумкин? Нечта метр қолади?




Масаладаги сонларни ўзгартиринг ва масалани ечинг.

4. Масалаларни ечинг.

а) 15 та бир хил идишларга 45 л жем сиғади. 120 л жем қуйиш учун нечта идиш зарур?

б) 45 л жем қуйиш учун нечта 3 литрлик идиш керак? Худди шунча жем учун нечта 5 литрлик идиш керак?

5. А, В ва С тўпламлари берилган. Уларга ном беринг. Тўпламларнинг элементларини айтинг. Уларнинг умумий хусусиятларини аниқланг. Қайси тўплам бошқа тўпламнинг қисм тўплами ҳисобланади? Ҳарфлар ва белгилар ёрдамида ёзинг.



6. Масалаларни ечинг.

а) Мақсад яхмалакка 6 соатдан 10 минут ўтганда кетди ва уйга 8 дан 45 минут ўтганда қайтиб келди. Мақсад уйда неча соат бўлмади?

б) Азиза дугонаси билан 45 минут хиёбонда сайр қилди. У уйга кирди, кийимларини алмаштирди ва 20 минутдан сўнг кинотеатрга кетди. Кино 1 соат 30 минутдан сўнг тугади. Азиза уйга 15 дан 19 минут ўтганда келди. Соат нечада Азиза дугонаси билан хиёбонга айлангани чиқди?



7. Қутида 4 та қора ва 6 та оқ шар бор. Нечта шарни қарамасдан олганда, танланган шарлар ичида қуйидагилар бўлади:

а) энг камида битта қора;

б) энг камида битта оқ;

в) энг камида иккита қора;

г) энг камида иккита оқ шар?



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



Кўнгилочар марказларда дам олиш маданияти



Сиз масалаларни моделлаштирасиз ва ечасиз.



Биласизми, Алматидаги “MEGA” савдо-кўнгилочар марказидаги “Harry Eye” чархпалаги Марказий Осиёда энг йириги ҳисобланади?



1. Ифоданинг қийматини топинг. Аттракционнинг баландлигини аниқланг.

$$802 : 2 + 660 : 6 - 451$$

М.и.

2. Масалаларни ечинг.

- а) “Чархпалак” аттракционига 24 та стандарт кабинкаларга 6 тадан ва 12 та одам сиғди, қулай кабинкаларга 4 тадан одам сиғди. Ҳаммаси бўлиб “Чархпалакка” нечта одам сиғди?
- б) Ойдиннинг 600 тенгеси бор эди. У 165 тенгедан 2 та билет сотиб олди. Унда қанча пул қолди?

3. Тушириб қолдирилган сонларни қўйинг.

530	640	4	310
$20 + \square + 150$	$380 + \square + 200$	$840 : \square$	$930 - \square$
$\square + 130 + 180$	$\square + 200 + 270$	$\square \cdot 210$	$\square - 260$
$310 + \square + 200$	$150 + \square + 160$	$\square \cdot 140$	$155 + \square$
$\square + 500 + 25$	$490 + \square + 100$	$820 : \square$	$\square + 18$



4. а) Тўғри тўртбурчакнинг маълум юзалари бўйича унинг эни ва бўйининг барча мумкин бўлган қийматларини ёзиб чиқинг.




Юза	Бўйи	Эни
96 м ²		
140 м ²		
350 м ²		

б) Тўғри тўртбурчакнинг маълум периметрлари бўйича унинг эни ва бўйининг мумкин бўлган қийматларини ёзинг.

Периметр	Бўйи	Эни
98 м		
120 м		
140 м		



5. Диаграммада Астанадаги “Хан Шатир” маданий-кўнгилочар маркази ҳақида маълумот берилган. Диаграмма бўйича саволлар тузинг. Уларни ўз гуруҳингизга беринг.



Масалалар тузинг ва уларни ечинг.

6. Сонлар квадратини кўпайтувчиларнинг кўпайтмаси кўринишида ифодаланг ва ечинг.

$$(4^2 + 7^2) : 5$$

$$5^2 + 6^2 + 9^2$$

$$10^2 - 3^2 + 8^2$$

$$(7^2 + 10^2) \cdot 6$$

$$8 \cdot (5^2 + 6^2)$$

$$9^2 - (35 + 4^2)$$



7. “Иккиталик қатор”. Қонуниятини аниқланг ва ҳар бир қаторга тўрттадан сон ёзинг.

а) 1, 10, 3, 9, 5, 8, 7, 7, 9, 6, ...

ә) 16, 12, 15, 11, 14, 10, ...



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



Кўнгилочар марказларда дам олиш маданияти



Сиз масалаларни ифода ва тенглама тузиб ечишни ўрганасиз.

1. Масалани ечинг.

Кўнгилочар марказидаги муз майдонида бир нечта бола коньки учиб юрибди. Уларга яна 15 та бола келиб қўшилгандан кейин муз майдонида 27 та бола бўлди. Муз майдонида дастлаб нечта бола коньки учиб юрган?



Бундай масалани ечиш учун тенглама тузиш керак. Бунинг учун масаланинг матнини математик тилга ўтказиш керак.



Матни	Математик тил
Муз майдонида бир нечта бола коньки учиб юрибди.	x бола
Яна 15 та бола келиб қўшилди.	$x + 15$
Муз майдонида 27 та бола бўлди.	$x + 15 = 27$
Муз майдонида дастлаб нечта бола коньки учиб юрган?	Муз майдонида дастлаб x та бола коньки учиб юрди дейлик.

Масала бўйича тенгламаларнинг қандай тузилганини тушунтиринг.

Муз майдонида дастлаб x та бола коньки учиб юрди дейлик.

Уларга яна 15 та бола қўшилди. ($x + 15$)

Энди муз майдонида 27 та бола бўлди. $x + 15 = 27$

Тенглама тузиб ечамиз: $x + 15 = 27$

$$x = 27 - 15$$

$$x = 12$$

Текшириш:

$$12 + 15 = 27$$

Жавоби: муз майдонида дастлаб 12 та бола коньки учиб юрган эди.



2. Масалаларни тенглама тузиб ечинг.

- а) Саодат кўнгилочар марказидаги фотосалонда 190 та фотосурат чиқарди. У шу фотосуратларнинг бир нечтасини бувисига совға қилганидан кейин унда 125 та фотосурат қолди. Саодат бувисига нечта фотосурат совға қилган?



Навбат билан бажаринг.
Қуйидагича бошланг:
 x – бу Саодатнинг бувисига совға қилган фотосуратларнинг сони дейлик.
У ҳолда ...
Тенглама тузиб ечамиз ...
Текширамиз ...
Жавобини ёзамиз ...

Матни	Математик тил
Чиқарди ...	190 та фотосурат
Совға қилди ...	x
Қолди...	125 та фотосурат
Тенглама	

- б) кўнгилочар марказидаги кинотеатрда бир нечта киши кино кўриб ўтирган эди. Уларга яна 23 та киши келиб қўшилгандан кейин кинотеатрда 136 та киши бўлди. Кинотеатрда дастлаб неча киши ўтирган эди?



3. Масалаларга ифодалар тузинг.

- а) кўнгилочар марказининг биринчи қаватида b та дўкон бор, бу иккинчи қаватдаги дўконлар сонидан c га кам. Иккинчи қаватда нечта дўкон бор?

Агар $b = 21$ ва $c = 7$ бўлса, у ҳолда масаланинг жавобини топинг.



- б) кўнгилочар марказга биринчи куни b та киши, иккинчи куни эса биринчи кунига қараганда c марта ортиқ киши келди. Икки кунда кўнгилочар марказига неча киши келган?

Агар $b = 326$ ва $c = 2$ бўлса, у ҳолда масаланинг жавобини топинг.



4. Азиза, Гулноза ва Зухра уч қаватли уйнинг ҳар хил қаватларида яшайди. Агар Азизанинг иккинчи қаватда яшамаслиги, Гулнозанинг эса иккинчи ва учинчи қаватларда яшамаслиги маълум бўлса, у ҳолда қизларнинг ҳар бири қандай қаватда яшашини аниқланг.



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



Кўнгилочар марказларида дам олиш маданияти



Сиз масалаларни ифода ва тенглама тузиб ечишни ўрганасиз.

1. Масалаларга ифода ёзинг.

- кўнгилочар марказини безаш учун 6 метрли 14 та тасма ва 2 метрли 23 та тасма сотиб олинди. Жами неча метр тасма сотиб олинди.
- Қутида 158 та шар бор. Қутидан 18 та шардан 4 марта олинди. Қутида неча шар қолди?
- Ҳар бирида 25 килограмдан 4 яшик апельсин ва яна 28 кг мандарин сотиб олинди. Жами неча килограмм мева сотиб олинган?
- Онаси боласига ҳар бири k тенгедан d та совға сотиб олиб бергандан кейин унинг b тенгеси қолди. Онасида неча тенге бўлган?

М.и.

2. Масалаларни тенглама тузиб ечинг.

- Битта костюмга 4 м газлама сарфланади. Худди шундай бир неча костюм 32 м газламадан тикилди. Нечта костюм тикилди?
- Гавҳарнинг туғилган кунига бир неча ўғил бола ва 12 та қиз бола келди. Агар жами 28 та бола келган бўлса, у ҳолда туғилган кунга неча ўғил бола келган?

3. Ўзгарувчили ифодаларнинг қийматини топинг.

$$d + b$$

$$d \cdot b$$

d	25	9	70	8	100
b	8	61	5	90	4



4. Номаълум сонни x ҳарфи билан белгилаб, тенглама ёзинг ва ечинг.

а) Номаълум сонга 25 ни қўшсангиз, у ҳолда 635 сони келиб чиқади.

б) Агар номаълум сонни 6 марта орттирсангиз, у ҳолда 96 ҳосил бўлади.


в) Агар номаълум сондан 36 ни камайтирсангиз, у ҳолда 714 ҳосил бўлади.

г) Агар номаълум сонни 5 марта камайтирилса, у ҳолда 103 сони ҳосил бўлади.



5. Спектаклга турли синфлардан ўқувчилар келди. Диаграмма бўйича саволлар тузиб, уларни гуруҳингиздаги синфдошларингизга беринг.

Сотиб олинган билетлар сони



Масалалар тузиб, уларни ечинг.

6. Амалларнинг бажарилиш тартибини аниқланг ва ечинг.

$$234 \cdot 2 + 340 : 5 - 924 : 4$$

$$267 \cdot 3 - 308 \cdot 2 + 840 : 5$$



7. Агар битта рақами бир мартадан ортиқ фойдаланиш мумкин бўлмаса, у ҳолда 1, 3, 5, 7 рақамларидан нечта уч хонали сон ёзиш мумкин?



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



Оналар байрами



Сиз таркибли масалаларни ечишни ўрганасиз.



1. Ифодаларнинг қийматини топинг. Текширинг. Ифодаларнинг қийматини ўсиш тартибида жойлаштириб, қандай мақол ёзилганлигини аниқланг. Мақолнинг маъносини тушунтиринг.

кафтингда	тутсанг	Онангни
$980 : 2$	$149 \cdot 4$	$276 : 3$
тут	бошингда	синглингни
$326 \cdot 3$	$405 \cdot 2$	$145 \cdot 5$

М.и.

2. Масалаларни ечинг.

- а) Оналар байрамига бағишланган концертга сахнани безаш учун ҳар бирида 25 тадан 8 та қути шар ва ҳар бирида 15 тадан 5 та қути байроқча фойдаланилди. Безашга жами нечта шар ва байроқча фойдаланилди?
- б) Бадий меҳнат дарсида синфдаги 30 та ўқувчининг ҳар бири оналарига 3 та гулдан ва 1 та қутичадан ясади. Ўқувчилар жами нечта совға ясашган?



3. Ифодалар бўйича масалалар тузинг.

$$221 \cdot 3 + 106$$

$$221 \cdot 2 + 106 \cdot 3$$



Ушбу берилганлар асосида бир нечта амалли ифода тузинг.

4. Тенгламаларни ечинг.

$$45 : y = 5$$

$$162 + x = 509 - 68$$

$$1000 - a = 46 + 705$$



5. Биринчи, иккинчи, учинчи синф ўқувчилари бир ҳафта давомида оналарига совға қилиш учун тақинчоқлар ясашди. Ҳар бир синф ўзларининг ясаган тақинчоқларини санади. Уларнинг ҳар куни ҳаммаси биргаликда неча тақинчоқ ясаганини қулай усул билан ҳисоблашга ёрдам беринг.

	1-синф	2-синф	3-синф	Жами
1-кун	25	17	15	$\square + \square + \square = \square$
2-кун	36	17	34	$\square + \square + \square = \square$
3-кун	58	34	12	$\square + \square + \square = \square$
4-кун	39	25	11	$\square + \square + \square = \square$
5-кун	56	23	17	$\square + \square + \square = \square$
6-кун	27	18	13	$\square + \square + \square = \square$



6. Масалаларни ечинг.

а) Онаси дўкондан 130 тенгедан 4 кг картошка ва 150 тенгедан 3 кг сабзи сотиб олди. Онаси жами неча килограмм сабзавот сотиб олди?

б) Онаси 2 литрли олма шарбатидан 14 қути, ўрик шарбатидан эса 4 марта кам сотиб олди. Онаси неча литр ўрик шарбати сотиб олган?



7. Қонуниятни аниқланг. Ҳар бир томонига битта рақамдан ёзиб, қаторни тўлдиринг.

а) ..., ..., 6, 8, 10, ..., ...;

ә) ..., ..., 6, 7, 10, 11, ..., ...;

б) ..., ..., 31, 27, 23, ...,



Даре мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



Оналар байрами



Сиз ўз билимларингизни умумлаштира оласиз.

1. Масалаларга ифодалар тузиб, уларнинг қийматини топинг.

а) Байрам оқшомига рақсга тушадиган ўғил болаларга ҳар туридан 8 тадан 2 хил костюм ва қиз болаларга ҳар туридан 12 тадан 3 хил костюм тикилди. Жами нечта костюм тикилган?

б) Байрам оқшомига 72 та она ва улардан 4 марта кам бувилар келишди. Байрам оқшомига нечта буви келган?



2. Таққосланг.

2 соат 20 мин * 220 мин 2 см 7 мм * 240 мм 1 км * 100 м

1 соат 10 мин * 120 мин 700 см * 70 дм 1 000 м * 10 дм

100 г * 1 кг 1000 г * 1 кг 10 ц * 10 кг



3. Масалаларни тенглама тузиб ечинг.

а) Дўкондан ҳар бирида 5 тадан бир нечта қути рўмол сотиб олинди. Жами 120 та рўмол сотиб олинди. Неча қути рўмол сотиб олинди?

б) Дўкондан 20 қути рўмол сотиб олинди. Ҳар бир қутидаги рўмоллар сони бир хил. Жами 120 та рўмол. Ҳар бир қутида нечта рўмолдан бўлган?

4. Ҳисобланг.

$(90 + 110) + (80 + 120)$ $630 + 300 + 20 - 630 - 30 + 200$


$(1\ 000 - 250) - (100 - 25)$ $(200 \cdot 3 + 100) + 30 \cdot 2 + 100$

5. Масалани тенглама тузиб ечинг.

Азизанинг 900 тенгеси бор эди. У шу пулига онасига бир даста гул ва 150 тенгега очиқ хат сотиб олди. Азиза бир даста гулни неча тенгега сотиб олган?




6. Болалар оналар байрамига бағишлаб оилавий фотосуратлардан кўргазма ясашди. Диаграммада гуруҳдаги ўқувчиларнинг олиб келган фотосуратларининг сони ҳақида маълумот берилган. Диаграмма бўйича саволлар тузинг. Ҳамма суратларни учта деворга тенг бўлиб қандай жойлаштириш мумкин?




Масалалар тузинг ва уларни ечинг.

7. Тўғри тўртбурчакнинг бўйи – 40 см, эни – 20 см. Тўғри тўртбурчакнинг бўялган бўлагининг юзини топинг.

а)



б)



8. 6, 4 ва 1 рақамлари орқали нечта уч хонали сонлар ёзиш мумкин? Сонларни ёзганда рақамлар такрорланмаслиги керак.



Даре мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.





Сиз ўзингизнинг ютуқларингизни текширасиз.

БИЛИШ

Мен 1000 тенгелик, 2000 тенгелик, 5000 тенгелик қоғоз пулларни фарқлашни ва турли тўлов усулларини биламан.

5 000 тенге	Бор эди 1 000 тенге	800 тенге
	Сотиб олинди 	
1 000 тенгедан	150 тенгедан	92 тенгедан
	Қолди?	

ТУШУНИШ

Мен сонлар тўпламининг қисм тўпламларини элементларнинг берилган ёки ўзим аниқлаган хоссалари бўйича тузишни тушунаман.

Тўпламлар:

$$A = \{10, 20, 30, 40, 50\};$$

$$B = \{15, 25, 35, 45, 55\};$$

$$C = \{10, 15, 20, 25, 30, 35, 40, 45, 50, 55\}.$$

Тўплам элементларининг хоссаларини аниқланг.

Тўпламларнинг қайси бири қисм тўплам бўлади?

Эйлер-Венн диаграммасини чизинг ва унга ҳар бир тўпламнинг элементларини ёзинг. Тўпламларнинг муносабатини \subset белгидан фойдаланиб ёзинг.

ҚЎЛЛАШ

Мен 2-3 амалли масалаларни еча оламан.

Истироҳат боғидаги скамейкаларни бўяш учун 5 килограмли 45 банка кўк рангли ва 3 килограмли 60 банка яшил рангли бўёқ сотиб олинди?

АНАЛИЗ

Мен масалани ечишда “битта нарсага сарфланган харажат”, “нарсаларнинг сони”, “умумий харажат” тушунчаларининг ўзаро боғланишидан фойдалана оламан.

Жадвал бўйича масала тузиб, уларни ечинг.

Битта нарсага сарфланган харажат	Нарсалар сони	Умумий харажат
бир хил	?	270 см
	6	540 см

СИНТЕЗ

Мен масалаларни ҳамма арифметик амалларга доир тенгламалар кўринишида қандай модель тузиш кераклигини била оламан.

Масалани мос тенгламаси билан туташтиринг, уни ечинг.

Фабрикада конфетлар ҳар бирида 3 килограмдан бир хил қутиларга бўлиб солинди. Жами 150 кг конфет бор. Нечта қути керак бўлди?

$$3 \cdot x = 150$$

$$x - 3 = 150$$

БАҲОЛАШ

Мен билвосита саволлар билан тузилган масалага ифоданинг тўғри тузилганлигини текшира оламан.

Масалага мос келувчи ифодани танланг.

Онаси 12 л қатиқ сотиб олди, бу шубатга қараганда 2 марта ортиқ. Онаси жами неча литр сут маҳсулотини сотиб олган?

$$12 + 12 : 2$$

$$12 + 12 \cdot 2$$

$$12 + (12 + 2)$$


Наврўз байрами



Сиз секунд ўлчов бирлигидан фойдаланиб ўлчашни ўрганасиз.



1. Соатларда кўрсатилган вақтни айтинг.



2. Кўрсатилган ўлчов бирликларида ифодаланг.

3 соат 15 мин = мин

5 соат 35 мин = мин

160 мин = соат мин

7 соат 40 мин = мин

Секунд



3. а) Баъзи бир соатларда минут ва соат милларидан ташқари секунд мили ҳам бўлади.



1 минутда секунд мили соат циферблатини тўла айланиб чиқади.

1 минут (мин) = 60 секунд (с)

Сиз секингина “бир” деганингизда 1 секунд ўтади. Энди сиз вақтни секундларгача аниқликда айта оласиз.



Бу – секундомер.

б) Ушбу соатларга қаранг. Вақтни секундларгача аниқликда айтинг.



в) Вақтни белгилаб олинг. Сиз 30 секундда, 60 секундда неч-та сўз ўқишингизни аниқланг. Неча секундда 5 қадам босиб ўтасиз?



4. а) Кўрсатилган ўлчов бирликларида ифодаланг.

$$2 \text{ мин } 15 \text{ с} = \square \text{ с}$$

$$68 \text{ с} = \square \text{ мин } \square \text{ с}$$

$$3 \text{ мин } 30 \text{ с} = \square \text{ с}$$

$$140 \text{ с} = \square \text{ мин } \square \text{ с}$$

$$5 \text{ мин } 42 \text{ с} = \square \text{ с}$$

$$162 \text{ с} = \square \text{ мин } \square \text{ с}$$

б) Саволларга жавоб беринг.

10, 30, 60 гача санаш учун сизга неча секунд вақт керак бўлади?

1 қадам, 3 қадам, 5 қадам босиб ўтишингиз учун сизга неча секунд вақт керак? 120 секундда, 180 секундда нечта мисол еча оласиз?



5. Масалани ечинг.

а) Нозима мактабда ҳафтасига 2 кун 40 минутдан ўйин тўғарагига ва 3 кун 50 минутдан мусиқа тўғарагига қатнашади. Нозима ҳафтасига неча соатини тўғарақларга боришга сарфлайди?

б) Алишер мактабга бориш учун автобусда 8 минут ва яна 5 минут пиёда юради. Алишер мактабгача ҳаммаси бўлиб қанча вақт сарфлайди?

в) Телевизорда “Ҳайвонот оламида” дастури соат 16.40 да бошла-ниб, 16.55 да тамом бўлади. Дастур қанча вақт бўлади? Жаво-бингизни минутларда ва секундларда ифодаланг.



6. Амалларни бажаринг.

$$6 \text{ мин } 40 \text{ с} + 34 \text{ с} = \square \text{ с}$$

$$50 \text{ с} \cdot 4 = \square \text{ с}$$

$$5 \text{ мин } 30 \text{ с} - 90 \text{ с} = \square \text{ с}$$

$$3 \text{ мин } 20 \text{ с} : 4 = \square \text{ с}$$

$$90 \text{ с} + 1 \text{ мин } 30 \text{ с} = \square \text{ с}$$

$$40 \text{ с} \cdot 2 = \square \text{ с}$$

7. Ҳисобланг.

$$(910 - 310) : 6$$

$$(360 + 180) : 6$$

$$930 : 30 \cdot 4$$

$$(620 + 190) : 9$$


$$360 + 180 : 6$$

$$65 + 650 : 5$$



8. Масалаларни ечинг.

а) Наврӯз байрамига бағишланган “Жамби атау” мусобақасига 18 киши, “Танга илиш” мусобақасига унга қараганда 2 марта ортиқ киши қатнашди. “Жамби атау” билан “Танга илиш” мусобақасига неча киши қатнашган бўлса, шунча киши “Аудариспақ” мусобақасига қатнашди. “Аудариспақ” мусобақасига неча киши қатнашган?



б) Наврӯз байрамига бағишланган “Кўкпар” ўйинига юртимиздан ҳар бирида 15 кишидан бўлган 5 та команда қатнашди. Қирғизистондан эса ҳар бирида 15 кишидан бўлган 2 команда қатнашди. Кўкпар ўйинига жами неча спортчи қатнашган?

9. Тенгламаларни ечинг.

$$96 : x = 3$$

$$5 \cdot x = 150 : 3$$

$$y - 230 = 110 + 265$$

$$60 \cdot y = 900 - 420$$



10. Ҳамма меҳмонларнинг соати бор. Саодатнинг соати 25 минут олдинда, Алишернинг соати 1 соат орқада, Лобарнинг соати 50 минут олдинда, фақат Давлатнинг соатигина тўғри вақтни кўрсатиб турибди. Меҳмонларнинг ҳар қайсисининг соати қандай вақтни кўрсатиб турганини аниқланг.

Давлатнинг соати	Саодатнинг соати	Алишернинг соати	Лобарнинг соати
12.00			
14.30			



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.




Наврӯз байрами



Сиз секунд ўлчов бирлигидан фойдаланиб ўлчашни ўрганасиз.

М.и.

1. Соатлардаги вақтни айтинг.



2. Кўрсатилган ўлчов birlikларида ифодаланг.

$$70 \text{ мин} = \square \text{ соат } \square \text{ мин}$$

$$9 \text{ мин} = \square \text{ с}$$

$$9 \text{ мин} = \square \text{ с}$$

$$1 \text{ соат } 30 \text{ мин} = \square \text{ мин}$$

$$85 \text{ с} = \square \text{ мин } \square \text{ с}$$

$$67 \text{ с} = \square \text{ мин } \square \text{ с}$$



3. Болалар велосипедда мусобақа ўйнашди. Жадвалга қаранг. Саволларга жавоб беринг. Веломусобақага 4 та бола қатнашди.

Исми	Биринчи айланиш	Иккинчи айланиш	Учинчи айланиш
Собир	4 мин 1 с	2 мин 0 с	3 мин 5 с
Асқар	3 мин 2 с	3 мин 6 с	2 мин 9 с
Ғайрат	2 мин 9 с	4 мин 0 с	3 мин 5 с
Мурод	2 мин 7 с	2 мин 4 с	3 мин 3 с

Болалардан қайсиси биринчи айланишда биринчи келди?

У бошқалардан неча секунд тез келди?

Учинчи айланишда ким энг тез келди?

Ғайрат ундан неча секунд ортда қолди?

Ким мусобақада энгди? Қандай натижа билан ғолиб бўлди?



Жадвал асосида ўзингизнинг саволларингизни тузинг ва уни синфдошларингизга беринг.

4. Наврўз байрамига бағишланган тадбир соат 18.00 да бошланади. Йўлга 40 минут вақт кетади. Тадбир бошланишидан 15 минут олдин келиш учун уйдан соат нечада чиқиш керак?



5. Таққосланг.

2 сутка * 42 соат 450 с * 4 мин 3 соат 5 мин * 190 мин
2 мин 10 с * 110 с 200 с * 2 мин 50 с 5 мин * 5 мин 2 с

6. Масалаларни ечинг.

а) Наврўз байрамига бағишланган концертга учта синфнинг қизлари учун миллий кўйлақлар тикилди. Тикувчи битта кўйлақ тикиш учун 4 м газлама сарфлади. Ҳар бир синфда 15 тадан қиз бола бўлса, у ҳолда ҳамма кўйлақларни тикиш учун неча метр газлама сарфланган?

б) Наврўз байрамида ҳунарманд усталарнинг кўрғазмаси ташкил этилди. Кўрғазмадаги буюмларнинг 50 таси кигиздан, ундан икки марта ортиқ буюмлар ёғочдан ясалган. Теридан ясалган буюмлар эса кигиз ва ёғочдан ясалган буюмларнинг бешдан бир қисмини ташкил этади. Нечта буюм теридан ясалган?

7. Қанча вақт ўтди? Минут ва секундларда ифодаланг.



а)

б)



8. Гулзорда 13 та атиргул ва 14 та лола ўсиб турибди. Қиз улар ичидан 13 та гулни қирқиб олди. Саволларга жавоб беринг:

- Уларнинг орасида камида битта лола бўладими?
- Уларнинг орасида камида битта атиргул бўладими?



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



Қозоғистон халқининг бирдамлиги байрами



Сиз катталикларнинг қийматларини таққослашни ва амалларни бажаришни ўрганасиз.



1995 йилнинг 18 октябрида Қозоғистон президенти Нурсултан Абишевич Назарбаевнинг ёрлиғи билан 1 Май – Қозоғистон халқларининг бирдамлиги куни деб эълон қилинди. Сиз бепоён Қозоғистонда 130 дан ортиқ миллат ва элатларнинг истиқомат қилишини биласизми?

1. Ифодаларнинг қийматини топинг. Уларни ўсиш тартибда жойлаштириб, қандай мақол ёзилганини аниқланг. Мақолнинг маъносини тушунтиринг.

тинчлик

бўлмас

бўлмай

Бирлик

$$230 \text{ с} + 3 \text{ мин } 50 \text{ с}$$

$$180 \text{ с} \cdot 5$$

$$9 \text{ мин } 20 \text{ с} - 210 \text{ с}$$

$$4 \text{ мин } 40 \text{ с} : 7$$

2. Гапни ўқинг. Сиз ўзингизга таниш бўлмаган қандай ўлчов birlikларини учратдингиз. VIII асрдан бошлаб IX асрнинг ўрталаригача ал-Мансур Халиф Боғдодда ичида телескоп ва кутубхонаси бўлган “Олимлар уйи” ни очиб, унга олимларни тўплади.



Аср – вақтнинг катта ўлчов бирлиги.

$$1 \text{ аср (аср)} = 100 \text{ йил (й.)}$$

Аср

3. Саволларга жавоб беринг. Қайси дарахтлар 5 асрдан ортиқ яшайди? Энг кам яшайдиган дарахтни айтинг?

Ўсимликлар	Яшаш вақти
Арча	500 йил
Терак	300 йил
Жўка	500 йил
Қайин	150 йил
Четан	80 йил



Жадвал асосида саволлар беринг. Масала тузиб, уни ечинг.



4. Таққосланг.

2 йил 4 ой * 32 ой

658 йил * 7 аср 1 йил

5 аср 42 йил * 54 йил

6 мин 15 с * 385 с

245 с * 4 мин 40 с

7 соат 35 мин * 460 мин

1 йил 12 сутка * 345 сутка

128 соат * 5 сутка 12 соат

3 сутка 5 соат * 80 соат

5. Масалаларни ечинг.

а) “Этноовул” миллий-маданий комплексига биринчи куни 150 та саёҳатчи, иккинчи куни эса ундан 57 та кам саёҳатчи келди. Учинчи куни биринчи ва иккинчи кунлари нечта саёҳатчи келган бўлса, шунча саёҳатчи келди. “Этноовул” миллий-маданий комплексига уч кунда жами нечта саёҳатчи келган?



б) “Усталар овулида” 60 та хунарманд ёғочдан, уларнинг учдан бир қисмини ташкил этувчи усталар металдан қандай буюм ясашларини кўрсатишди. Метал усталарига қараганда 32 та ортиқ уста кигиздан буюм ясаб кўрсатди. Жами нечта уста ўз хунармандчилигини кўрсатди?



6. Амалларни бажаринг.

$5 \text{ аср} \cdot 2 = \square \text{ йил}$

$8 \text{ аср} 10 \text{ йил} : 9 = \square \text{ йил}$

$4 \text{ аср} 50 \text{ йил} + 270 \text{ йил} = \square \text{ йил}$

$2 \text{ йил} 45 \text{ сутка} - 587 \text{ сутка} = \square \text{ сутка}$

$5 \text{ соат} 20 \text{ мин} : 4 = \square \text{ мин}$

$3 \text{ мин} 50 \text{ с} \cdot 3 = \square \text{ с}$

7. Саволларга жавоб беринг. Қандай жонивор бир аср умр суради? Энг узоқ яшайдиган тошбақа қандай аталади?

Жониворлар	Яшаш узоқлиги
Галапагосс тошбақаси	250 йил
Гренландия кити	211 йил
Фил	80 йил
Қизил денгиз типратикони	200 йил



Жадвал асосида масалалар тузиб, уларни ечинг.

8. Тенгламаларни ечинг.

$$x \cdot 9 = 12 \cdot 6$$

$$63 \cdot y = 63 \cdot 0$$

$$y + 452 = 155 \cdot 5$$

$$80 \cdot a = 1\,000 - 680$$



9. Онаси Одинага, Жамилага, Шоирага кўйлак тикиб бериш учун газлама сотиб олди. Одинага олинган газлама яшил ҳам, қизил ҳам эмас. Жамилага олингани яшил ҳам, сариқ ҳам эмас. Шоирага қандай рангли газлама сотиб олинган? Қизларнинг ҳар бирига қандай рангли газлама сотиб олинган? Жадвал тузиб ечинг.



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



Қозоғистон халқининг бирдамлик куни



Сиз секунд ўлчов бирлигидан фойдаланасиз, катталикларнинг қийматларини таққослайсиз ва улар ёрдамида амаллар бажарасиз.

1. Таққосланг.

1 мин * 30 с 1 аср * 90 йил 3 мин 25 с * 200 с
2 соат * 120 мин 200 йил * 1 аср 90 йил 2 сутка 20 соат * 70 соат

М.и.

2. а) Керакли сонларни қўйинг.

Ярим аср – бу йил.

Чорак аср – бу йил.

Бир минутнинг учдан бир қисми – с.

Бир минутнинг олтидан бир қисми – с.

б) Қуёшдан Ерга ёруғлик 8 минут ва бир минутнинг учдан бир қисмида тушади. Бу неча секунд?



3. Масалаларни ечинг.

а) Қозоғистон халқларининг бирдамлиги байрамида 36 та миллий маданий марказларнинг ҳар бири 2 та қўшиқдан ва 3 та рақсдан тайёрлаб олиб келиб санъатларини кўрсатишди. Жами нечта чиқиш бўлди?



б) Қозоғистон халқларининг бирдамлиги байрамига бағишланган китоблар кўрғазмасига жами 150 та китоб қўйилди. Улардан 25 таси – урф-одат, ундан 3 марта ортиқ китоб – адабиёт ва санъат, қолганлари – ҳар хил луғатлар. Кўрғазмага нечта ҳар хил луғатлар қўйилган?





4. Ҳар бир соат 3 соат 20 минут 35 секунддан кейин қандай вақтни кўрсатади?



5. Масалаларни ечинг.

- а) Одил уй вазифасини 1 соат 30 минутда бажарди. У шеър ёдлашга 15 минут, мисол ечишга ундан 2 марта ортиқ вақт сарфлади, қолган вақтда эссе ёзди. Одил эссени неча минут ёзган?
- б) Логопед-шифокор болалар билан соат 9 дан 12 гача иш олиб боради. Агар у битта болага 30 минут вақфтни сарфлайдиган бўлса, у ҳолда у шу вақт оралиғида нечта бола билан иш олиб бориши мумкин?



6. Амалларни бажаринг.

$$80 \text{ с} \cdot 2 = \square \text{ мин } \square \text{ с}$$

$$4 \text{ аср } 80 \text{ йил} + 2 \text{ аср } 65 \text{ йил} = \square \text{ йил}$$

$$6 \text{ мин } 40 \text{ с} : 5 = \square \text{ с}$$

$$950 \text{ йил} : 5 = \square \text{ аср } \square \text{ йил}$$

$$3 \text{ мин } 46 \text{ с} + 2 \text{ мин } 74 \text{ с} = \square \text{ с}$$

$$3 \text{ аср } 20 \text{ йил} \cdot 3 = \square \text{ аср } \square \text{ йил}$$

7. Масалани ечинг.

Байрам оқшомига узоқлиги 3 мин 5 с бўлган 2 та қўшиқ ва узоқлиги 3 мин 23 с бўлган 3 та қўшиқ ёзилди. Уларнинг ҳаммасини ижро этишга қанча вақт керак бўлади?

8. Чизма асосида ифода тузиб, ундаги амалларнинг бажарилиш тартибини аниқланг. Ифоданинг қийматини топинг.

$$132 \cdot 2$$

$$950 : 5$$

$$78 : 3$$

$$\square + 40$$

$$140 + \square$$

$$\square \cdot 2$$



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



Ғалаба куни



Сиз вақт ўлчов бирликларини шакл алмаштиришни ўрганасиз.



1. Ифодаларнинг қийматларини топиб, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларига қўйилган ёдгорликларнинг қачон, қаерга ўрнатилганлигини билиб оласиз.



80 мин



45 мин



900 с



50 с



605 с

И.В. Панфилов ёдгорлиги, 1968 й. Алмати шаҳри, 28 гвардиячи-панфиловчилар номидаги истироҳат боғи.	2 соат 15 мин – 90 мин
Б.Момишули ёдгорлиги, 2010 й. Алмати шаҳри, 28 гвардиячи-панфиловчилар номидаги истироҳат боғи.	6 мин 40 с : 8
М.Маметова ва А.Молдағулова ёдгорлиги, 1997 й. Алмати шаҳри, Толеби кўчасидаги истироҳат боғи.	310 с + 4 мин 55 с
“Данқ” мемориал комплекси, 1975 й. Алмати шаҳри, 28 гвардиячи-панфиловчилар номидаги истироҳат боғи.	150 с • 6
С.Д. Луганский ёдгорлиги, 1951 й. Алмати шаҳри, Абилай хон шохкўчаси.	5 соат 20 мин : 4

М.и.

2. Масалаларни ечинг.

- а) Алишер Б.Момишулининг “Москва учун жанг” романининг ҳар бир бетини 7 минутдан ва 1 кунда 15 бетдан ўқиди. Алишер бир кунда китоб ўқиш учун қанча вақт сарфлади? 3 кунда-чи? Жавобингизни соат ва минутларда ифодаланг.
- б) Ўқувчиларга музейнинг “Улуғ Ватан уруши йилларида” бўлимини таништириш соат 09.30 да бошланиб, 11.15 да тугади. Ўқувчилар музейда қанча вақт бўлишди? Жавобингизни соат ва минутларда ифодаланг.



Масалалардан бирининг сонли қийматини ўзгартириб, қайтадан ечинг.



3. Минутларда ифодаланг.

$$6 \text{ соат } 20 \text{ мин} = \square \text{ мин}$$

$$4 \text{ соат } 30 \text{ мин} = \square \text{ мин}$$


$$9 \text{ соат } 10 \text{ мин} = \square \text{ мин}$$

$$7 \text{ соат } 40 \text{ мин} = \square \text{ мин}$$

4. Масалаларни тенглама тузиб ечинг.

- а) Кутубхонага Ғалаба куни байрами арафасида нашр этилган 90 та китоб олиб келинди. Улар ҳар бир қутига 10 тадан солинган. Кутубхонага жами неча қути китоб олиб келинди?
- б) Ғалаба куни байрамга бағишланган ҳарбий парадга ҳарбий мактабларнинг 150 та ўқувчиси қатнашди. Улар ҳар қаторда 15 тадан саф тортиб ўтишди. Ҳарбий мактаб ўқувчилари неча қатор сафга туришган?

5. Қанча вақт ўтди? Минут ва секундларда ифодаланг.



6. Соатларда ифодаланг.

$$5 \text{ сутка } 13 \text{ соат} = \square \text{ соат}$$

$$8 \text{ сутка } 3 \text{ соат} = \square \text{ соат}$$

$$2 \text{ сутка } 19 \text{ соат} = \square \text{ соат}$$

$$3 \text{ сутка } 10 \text{ соат} = \square \text{ соат}$$



7. Бошланғич синф ўқувчилари Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари билан учрашув ташкил қилиб, тарбия соатлари ўтказишди. Жадвалда ҳар бир синфнинг тарбия соати нечада бошланиб, қачон тугагани кўрсатилган. Ҳар бир синфда тарбия соатлари қанча вақт ўтганлигини аниқланг.

Синфлар	Бошланиш вақти	Тугаш вақти
1-синф	9.35	10.10
2-синф	10.00	10.40
3-синф	11.20	12.30
4-синф	15.30	17.00



8. Секундларда ифодаланг.

$1 \text{ мин } 36 \text{ с} = \square \text{ с}$

$6 \text{ мин } 50 \text{ с} = \square \text{ с}$

$5 \text{ мин } 45 \text{ с} = \square \text{ с}$



$4 \text{ мин } 24 \text{ с} = \square \text{ с}$

$10 \text{ мин } 7 \text{ с} = \square \text{ с}$

$3 \text{ мин } 17 \text{ с} = \square \text{ с}$



9. Фигураларнинг периметрини ва юзасини топинг.



10. Тенгликлар тўғри бўлиши учун ифодаларга қавслар қўйинг.

$100 - 45 + 75 : 5 = 40$

$100 - 45 + 75 : 5 = 76$

$100 - 45 + 75 : 5 = 26$

$100 - 45 + 75 : 5 = 70$



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



Ғалаба куни




Сиз ҳар хил соатларда вақтни (соат, минут, секунд) аниқлашни ўрганасиз.



1. Ҳар хил соатларга қаранг. Ҳар бир соатдаги вақтни аниқлай оласизми? Соатлар ҳақидаги ўз фикрингизни айтинг.



Вақт машинаси



Ақли соат



Проекцияли соат



Қумсоат



Атомли соат



Қуёш соати

М.и.

2. Соатлардаги вақтни аниқланг.



3. Масалани ечинг.


Ғалаба куни байрамига бағишланган ҳарбий парад соат 10.00 да бошланиб, соат 12.15 да тугади. Ҳарбий парад қанча вақт давом этди? Жавобингизни минутларда ифодаланг.



Масаланинг сонли қийматларини ўзгартириб, қайтадан ечинг.



4. Диаграммада уруш йиллари Қозоғистонда ташкил қилиниб, уруш майдонларига юборилган ҳарбий бўлимлар ҳақида маълумотлар берилган. Диаграмма бўйича саволлар тузинг. Уни гуруҳдаги болаларга беринг. Масалалар тузиб, уларни ечинг.



5. Соат неча эканлигини аниқланг.



6. Масалани ечинг.

Мактабда Улуғ Ватан уруши йилларидаги фотосуратлардан кўргазма ташкил қилинди. Биринчи залга 64 та фотосурат, иккинчи залга ундан 2 марта кам фотосурат қўйилди. Учинчи залга эса биринчи ва иккинчи залга қанча фотосурат қўйилса, шунча фотосурат қўйилди. Кўргазмага жами неча фотосурат қўйилди?



7. Синфда 25 та ўқувчи бор. Улардан 5 та ўқувчи шахмат ҳам, шашка ҳам ўйнай олмайди. 18 та ўқувчи шашка, 20 та ўқувчи шахмат ўйнайди. Синфда жами неча ўқувчи шахмат ҳам, шашка ҳам ўйнашини аниқланг.



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



ҚР Конституцияси куни



Сиз вақт ва унинг ўлчов бирликлари ҳақидаги билимларингиздан фойдаланишни ўрганасиз.

1. Амалларни бажаринг. Ҳар бир расмни ҳосил бўлган натижа билан мослаштирсангиз, бу соатларнинг дунёнинг қайси шаҳарида жойлашганини аниқлай оласиз.



“Дунё вақти” соати, Берлин шаҳри	9 соат 45 мин – 263 мин
“Орлай” астрономик соати, Прага шаҳри	2 аср 38 йил · 4
Гринвич соати, Лондон шаҳри	8 сутка 40 соат : 4
Қўғирчоқ театрининг соати, Москва шаҳри	8 мин 20 с : 5
Вестминестера соати, Лондон шаҳри	1 йил 241 сутка + 138 сутка
Гулсоат, Женева шаҳри	3 аср 15 йил + 360 йил

2. Кўрсатилган ўлчов бирликларида ифодаланг.

$$3 \text{ сутка} = \square \text{ соат}$$

$$4 \text{ аср} = \square \text{ йил}$$

$$6 \text{ соат } 20 \text{ мин} = \square \text{ мин}$$

$$4 \text{ ц } 15 \text{ кг} = \square \text{ кг}$$

$$5 \text{ ц } 2 \text{ кг} = \square \text{ кг}$$

$$2 \text{ аср } 50 \text{ йил} = \square \text{ йил}$$

$$12 \text{ мин} = \square \text{ с}$$

$$4 \text{ сутка } 4 \text{ соат} = \square \text{ соат}$$

$$2 \text{ дм } 7 \text{ см} = \square \text{ см}$$

М.и.

3. Масалани ечинг.

- а) Йўлга сарфланадиган вақтнинг учдан бир қисми – 36 соатни ташкил этади. Ҳамма йўлга сарфланадиган вақтни топинг.
 б) Тескари масала тузиб, уни ечинг.

4. Жадвал асосида масалалар тузинг. Уларнинг қийматини топинг.

c	150	32	206	19	95	105
$2 \cdot c$						
$c + 505$						
$1000 - c$						



5. Соатлардаги вақтни аниқланг. Соат ҳар 2 соат 15 минут 8 секунддан кейин қандай вақтни кўрсатади?

а) **10 : 15 : 40**

17 : 24 : 56

23 : 04 : 35

ө)



6. Масалани ечинг.

30 август, ҚР Конституцияси куни 16 ёшга тўлган ёшларга Қозғистон Республикасининг шахсий гувоҳномасини тантанали бериш маросими ўтказилди. Жами 600 та совға берилди. Агар уларнинг ҳар бирига соат ва китоб совға қилинган бўлса, у ҳолда нечта фуқаро совға олган?



7. Икки ишчи дарёнинг нариги қирғоғига ўтишлари керак. Дарёда иккита бола қайиқда сузиб юришибди. Қайиққа битта ишчи ёки иккита бола сиғади, ишчи ва бола биргаликда сиғмайди. Иккита ишчи дарёнинг нариги қирғоғига қандай ўтиб, болаларга қайиғини қайтаради?



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



ҚР Мустақиллик куни



Сиз билимларингизни умумлаштирасиз.



1. Масалаларни ечинг.

а) Мустақиллик кунига бағишлаб ташкил этилган шеър ёдлашдан мактаб миқёсидаги беллашувга жами 84 та ўқувчи қатнашди. Бошланғич синф ўқувчилари жами қатнашган ўқувчиларнинг $\frac{1}{4}$ қисмини ташкил этади. Ўрта бўғин ўқувчилари эса улардан 16 та ортиқ, қолганлари – юқори синф ўқувчилари. Беллашувга юқори синфлардан нечта ўқувчи қатнашган?

б) Мустақиллик кунига бағишлаб ташкил этилган Республика миқёсидаги ўқувчиларнинг эссе ёзиш мусобақасига вилоят мактабларидан 96 та ўқувчи қатнашди. Бу шаҳар мактабларидан қатнашган ўқувчиларга қараганда 3 марта ортиқ. Мусобақага жами нечта ўқувчи қатнашган?



2. Берилган тўпلام элементларидан ўзингиз аниқлаган хоссалар бўйича иккита ички тўпلام тузинг. Ҳар бир тўпلامнинг элементларини ёзинг. Эйлер-Венн диаграммаси ёрдамида тасвирлаб кўрсатинг. Топпириқни кесма қоғозлар ёрдамида бажаринг.

10	3	100	
300	30	40	
500	900	6	60
4	12	70	



3. Масалани ечинг.

Байрамда ҳавога 190 та яшил салют, ундан 110 та ортиқ қизил салют отилди. Ҳавога жами нечта салют отилган?

4. Ҳисобланг.

$$3^2 \cdot 10^2$$

$$9^2 + 3^2 + 5^2$$

$$9^2 + 700$$

$$8^2 + 910$$

$$9^2 + 8^2$$

$$8^2 + 10^2 + 6^2$$



Мустақилликка эришган юртнинг ўзига хос хусусияти – миллий валюта. Миллий тенге 1993 йили 15 ноябрь куни белгиланди.



5. Кўрсатилган суммани тўплаш учун қандай қоғоз пул ва тангалардан яна нечтасини олиш керак? Ифодаларни ёзинг. Ҳар хил ҳолларни кўриб чиқинг.



887 тенге

850 тенге

536 тенге

215 тенге



6. Ифодалар бўйича масала тузинг.

$$215 \cdot 3 + 95$$

$$215 \cdot 2 + 95 \cdot 4$$



7. Тенгламаларни ечинг.

$$y - 54 = 497 + 180$$

$$370 + x = 930 - 265$$

$$x : 5 = 102 + 258$$

$$y \cdot 5 = 436 + 279$$



8. Масалани граф ёрдамида ечинг.

Тўртта дўст бир-бирларига меҳмонга боришди. Уйларнинг ўрнига нуқталар қўйиб, уларнинг ораларини чизиқлар ёрдамида туташтиринг. Нечта чизиқ ҳосил бўлди?



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



ҚР Мустақиллик куни



Сиз ўз билимингизни умумлаштирасиз.

1. а) Масала бўйича ифода тузинг.

Мустақиллик байрамига ташкил этилган концертга a та катта ёшлилар, уларга қараганда b та кам болалар келишди. Байрам концертига жами неча киши қатнашди?

Бунда $a = 875$ ва $b = 562$.

б) Масалани тенглама тузиб ечинг.

Дўкондан 750 тенгега совға сотиб олинди. Агар ҳар бир совға 150 тенге бўлса, у ҳолда неча совға сотиб олинди?

2. Тўғри тўртбурчакнинг периметри ва юзини топинг.

Бўйи	Эни	Периметри	Юзи
25 см	5 см		
41 см	20 см		
a см	b см		

3. Масалаларни ечинг.

Биринчи вагонда 17 та бола келяпти, бу ҳамма йўловчилар сонининг учдан бир қисмини ташкил этади. Иккинчи вагондаги йўловчилар сони биринчидагига қараганда 13 та кам. Икки вагонда жами неча йўловчи бор?



Масаланинг шартини ўзгартириб, қайтадан ечинг.

4. Ҳисобланг.

$$(1000 - 794) \cdot 3$$

$$(645 - 65) : 5$$

$$(909 - 694) \cdot 2$$

$$167 \cdot 3 + 97$$

$$(345 + 564) : 3$$




$$(887 - 694) \cdot 4$$

$$(12 + 458) : 2$$

$$630 - 625 : 5$$



5. Жадвалнинг ҳар бир қатори бўйича масалалар тузиб, уларни ечинг.

Товар	Баҳоси	Сони	Умумий баҳоси
	95 тенге	5 та	? тенге
	? тенге	8 та	392 тенге
	250 тенге	? та	1000 тенге

6. Тенгламаларни ечиш.

$$7 \cdot x = 120 + 370 \quad a - 750 = 900 - 850 \quad 950 : b = 120 - 115$$

7. Ҳисобланг.


$$4 \text{ см } 3 \text{ мм} \cdot 2 \quad 6 \text{ мин } 6 \text{ с} : 3 \quad 4 \text{ м } 59 \text{ см} - 69 \text{ см} \quad 2 \text{ ц} + 125 \text{ кг}$$

$$2 \text{ ц } 10 \text{ кг} : 2 \quad 410 \text{ см} : 5 \quad 1 \text{ м} - 48 \text{ см} \quad 1 \text{ т} - 8 \text{ ц}$$

$$3 \text{ ц} : 2 \quad 825 \text{ г} : 5 \quad 10 \text{ дм} - 58 \text{ см} \quad 1 \text{ т} - 560 \text{ кг}$$



8. Агар пиёда битта кўча бўйлаб икки марта юрмай ҳамма кўчалардан юриб ўтса, унинг неча метр юрганини аниқланг.



Дарс мавзусига доир савол ва топшириқлар тузинг.



Сиз ўзингизнинг ютуқларингизни текширасиз.

БИЛИШ

Мен вақт ўлчов
бирлигини
биламан.

2. Кўрсатилган ўлчов birlikларида
ифодаланг.

$$6 \text{ соат } 5 \text{ мин} = \square \text{ мин}$$

$$4 \text{ аср } 90 \text{ йил} = \square \text{ йил}$$

$$240 \text{ мин} = \square \text{ соат}$$

$$4 \text{ сутка } 18 \text{ соат} = \square \text{ соат}$$

$$2 \text{ мин } 45 \text{ с} = \square \text{ с}$$

$$16 \text{ йил } 11 \text{ ой} = \square \text{ ой}$$

ТУШУНИШ

Мен вақт
оралигини
аниқлай оламан.

Қўғирчоқ театридаги спектаклнинг узоқ-
лиги 1 соат 15 минут бўлди. Агар у соат
10.30 да бошланган бўлса, соат нечада ту-
гайди?

ҚЎЛЛАШ

Мен масалаларни
ечишда вақт ва
унинг ўлчов
бирликлари
ҳақида
билимларимдан
фойдалана
оламан.

Саёҳатчилар йўналиш бўйича 3 соат пиё-
да юришди. Сўнгра 50 минут дам олиш
учун тўхташди. Улар яна 7 соат юришди.
Саёҳатчилар жами қанча вақт юришган?

АНАЛИЗ

Мен соатларнинг қандай вақтни кўрсатиб турганини биламан ва уни белгилаб кўрсата оламан.

Соатлардаги вақтни аниқланг. Соат 1 соат 7 минут 20 секунддан кейин қандай вақтни кўрсатади.



СИНТЕЗ

Мен вақт бирликлари ёрдамида амаллар бажара оламан.

$$7 \text{ сутка } 19 \text{ соат} - 4 \text{ сутка } 10 \text{ соат} = \square \text{ соат}$$

$$5 \text{ соат } 25 \text{ мин} - 2 \text{ соат } 50 \text{ мин} = \square \text{ мин}$$

$$3 \text{ мин } 20 \text{ с} : 5 = \square \text{ с}$$

$$3 \text{ аср } 15 \text{ йил} + 4 \text{ аср } 80 \text{ йил} = \square \text{ йил}$$

$$130 \text{ с} \cdot 3 = \square \text{ мин } \square \text{ с}$$

$$360 \text{ йил} + 450 \text{ йил} = \square \text{ аср } \square \text{ йил}$$

БАҲОЛАШ

Мен вақт бирликларини тўғри таққосланганлигини текшира оламан.

Тўғри тенглик ва тенгсизликларни топиб ёзинг.

$$48 \text{ соат} > 2 \text{ сутка}$$

$$2 \text{ мин} < 20 \text{ с}$$

$$2 \text{ сутка } 5 \text{ соат} = 49 \text{ соат}$$

$$5 \text{ мин} = 301 \text{ с}$$

$$90 \text{ с} = 1 \text{ мин } 20 \text{ с}$$

$$80 \text{ с} = 1 \text{ мин } 20 \text{ с}$$

$$4 \text{ мин } 50 \text{ с} = 450 \text{ с}$$

$$10 \text{ мин } 10 \text{ с} > 611 \text{ с}$$

$$26 \text{ соат} > 1 \text{ сутка}$$

$$2 \text{ йил} < 20 \text{ ой}$$

$$2 \text{ соат} > 110 \text{ мин}$$

$$130 \text{ с} < 2 \text{ мин } 20 \text{ с}$$

ЛУҒАТ

Ўзгарувчи	Ҳар хил қийматлар қабул қилувчи ва ўзгариб турувчи катталиқ.
Ўзгарувчининг қиймати	Ўзгарувчининг қабул қиладиган сон қийматлари.
Юз бирликлари	см ² дм ² м ²
Бирликлар синфи ёки биринчи синф	Соннинг охири рақамидан бошлаб, ўнгдан чапга томон бирликлар хонасидан, ўнликлар хонасидан ва юзликлар хонасидан тузилган дастлабки синф.
Бўш тўпلام	Ø белги орқали белгиланувчи, элементи бўлмаган тўпلام.
Каср	У бутуннинг неча бўлақларга бўлинганини, ундан неча улушдан олинганини кўрсатади.
Касрнинг сурати ва махражи	Каср чизиғининг устида ёзилган сон – касрнинг сурати, олинган улушни билдиради. Каср чизиғининг остида ёзилган сон – касрнинг махражи, у неча бўлақка бўлинганини билдиради. Масалан, $\frac{5}{8}$ – каср, бунда: 5 – касрнинг сурати, 8 – касрнинг махражи.
Аср	100 йилга тенг бўлган вақт бирлиги. Белгиланиши 1 аср.
Грамм	Масса ўлчов бирлиги, 1 кг =1000 г. У г ҳарфи билан белгиланади.
Диаграмма	Маълумотларнинг график турида кўрсатилиши.
Иккита тўпلامнинг бирлашмаси	Агар тўпلامларнинг номида “ва” сўзи бўлса, у ҳолда унинг ҳар бир элементи иккинчи тўпلامда жойлашади. Белгиси: \cup – тўпلامларнинг бирлашмаси.
Иккита тўпلامнинг кесишмаси	Агар тўпلامларнинг номланишида “ёки” сўзи бўлса, у ҳолда баъзи бир элементи иккинчи тўпلام билан кесишган қисмида (икки айлананинг умумий қисми) жойлашади.
Ҳарфий ифода	Сон ва ишоралардан бошқа ҳарфлардан тузилган ифодалар.
Текисликда нуқталарнинг координаталари	Иккита соннинг берилиши орқали нуқтанинг текисликда жойлашуви аниқланади.
Қисм тўпلام	Тўпلامнинг қисми.
Фазода геометрик фигураларнинг ёйилмаси	Фазовий геометрик фигураларнинг текисликдаги ёйилмаси.
Километр	Узунлик ўлчов бирлиги, у 1000 метрга тенг.
Синф	Соннинг ёзувидаги хоналар, ўнгдан чапга учта хонадан тўпланиб, синфларни ташкил этади.
Кесишувчи тўғри чизиқлар	Умумий нуқтаси (кесишиш нуқтаси) бўлган иккита тўғри чизиқ.
Математик қонуният	Сонли, фигуралар ёки бошқа элементлар қаторини берилишининг аниқ қоидаси, шу қоидага мувофиқ элементлар такрорланади ёки уларнинг хоссалари ўзгаради.
Миллиметр	Узунлик ўлчов бирлиги, 10 мм=1 см. Белгиланиши: 1 мм.
Имкониятлар дарахти	Масалани ечиш намунасидаги имкониятларни график чизма бўйича кўрсатиш. Имкониятлар дарахти намуналарнинг сонига тенг.

Минг	Уч хонали 999 сонидан кейин келадиган тўрт хонали сон. Қуйидагича ёзилади: 1000. Ўнта юзликнинг йиғиндиси мингликни беради.
Минглар синфи ёки иккинчи синф	Бу birlik мингдан, ўнлик мингдан ва юзлик мингдан тузилган синф.
Натурал сонлар	Нарсаларни санаш давомида 1 дан бошланадиган сонлар. 1, 2, 3, 4, 5... . 1 сони – энг кичик натурал сон. Энг катта натурал сон бўлмайди. Санашда ноль ишлатилмайди. 0 сони натурал сон ҳисобланмайди.
Натурал сонлар қатори	Бу барча натурал сонлар қатори. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, ... натурал сонлар қаторида ҳар бир сон олдингисидан 1 га ортиқ бўлади.
Палетка	Юза ҳисоблаш учун ишлатиладиган шаффоф қоғоз.
Параллель тўғри чизиқлар	Умумий нуқтага эга бўлмаган иккита тўғри чизиқ.
Хона қўшилувчиларининг йиғиндиси	Исталган сонни хона қўшилувчиларига ажратиш: $123=100+20+3$. Сонларнинг қўшилувчига ва йиғиндига ажратилиши ёки хона қўшилувчиларининг йиғиндиси кўринишда ёзилиши.
Сон	Бу –саноқ бирлиги. Сонлар ёрдамида нарсаларнинг миқдори ва турли катталикларнинг (бўйи, эни, баландлиги ва бошқа) аниқлаш мумкин. Сонларни ёзиш учун маҳсус белгилар – рақамлар ишлатилади.
Сонлар қаторининг қонунияти	Сонлар қатори берилишининг аниқ қоидаси , шу қоидага кўра сонлар такрорланади ёки уларнинг хоссалари ўзгаради.
Сонларнинг хонаси	Сонларни ташкил этувчи рақамларнинг жойлашган ўрни.
Сонлар нури	Сонларнинг нур шаклидаги график тасвири.
Соннинг қисми	Бутуннинг қисми. Улушларга иккидан бир –ярим, учдан бир қисми-учдан бири, тўртдан бир- чорак мисол бўлади.
Секунд	Минутнинг $\frac{1}{60}$ қисмига тенг бўлган вақт. Белгиланиши: 1 с.
Симметрия	Фигура қисмларининг ёки нарсанинг нуқтадан ёки тўғри чизиқдан бир хил узоқликда уларга қарама-қарши бўлган икки томонида жойлашуви.
Симметрия ўқи	Фигурани тенг бўлакларга бўладиган тўғри чизиқ.
Тенгсизлик	Иккита сон ёки математик ифодалар ўзаро $>$ (ортиқ), $<$ (кам) таққослаш белгиларининг бири билан белгиланади. $a > b$ ва $b < a$ ёзувлар тенгсизликни билдиради.
Тонна	Масса ўлчов бирлиги, 10 ц га тенг ёки 1000 кг =1 т. Тонна т ҳарфи орқали белгиланади.
Уч хонали соннинг график модели	Бу юзликларни хоналарга ажратилиб ёзилишини билдиради. Масалан: 345 =3 юзл. 4 ўнл.5 бирл. Ёки $\triangle\triangle\triangle\triangle\triangle$. \triangle – юзл., Δ – ўнл., \circ – бирл.
Айлана	Доиранинг чегараси.
Айлананинг диаметри	Айлана маркази орқали ўтувчи ва айлананинг қарама- қарши жойлашган иккита нуқтасини туташтирувчи кесма. У d ҳарфи билан белгиланади.
Айлананинг радиуси	Айлана марказини унинг исталган нуқтаси билан туташтирувчи кесма. У r ҳарфи билан белгиланади.
Эйлер-Венн диаграммаси	Айланалар ёрдамида берилган маълумотни график орқали кўрсатиш усули.

МУНДАРИЖА

4А бўлим. ЁЗМА КЎПАЙТИРИШ ВА БЎЛИШ

140 · 2, 280 : 2 кўринишдаги ёзма кўпайтириш ва бўлиш	4
Мустаҳкамлаш	7
102 · 3, 306 : 3 кўринишдаги ёзма кўпайтириш ва бўлиш	9
Мустаҳкамлаш	12
104 · 4, 416 : 4 кўринишдаги ёзма кўпайтириш ва бўлиш	14
Мустаҳкамлаш	17
134 · 5, 670 : 5 кўринишдаги ёзма кўпайтириш ва бўлиш	20
Мустаҳкамлаш	23
Ўзингизни текширинг!	25

4В бўлим. МАСАЛА ЕЧИШ УСУЛЛАРИ

Қоғоз пул	27
Қоғоз пул	30
Қисм тўплам	33
Қисм тўплам	36
Рост ва ёлғон мулоҳазалар тузиш	39
Мустаҳкамлаш	42
2-3 амалли масалалар ечиш	44
2-3 амалли масалалар ечиш	47
Масалалар ечиш	49
Масалалар ечиш	51
Мустаҳкамлаш	53
Билвосита берилган масалаларни ечиш	55
Билвосита берилган масалаларни ечиш	57
Уч амалли масалаларни ечиш	59
Уч амалли масалаларни ечиш	61
Масалаларни ифода ва тенглама тузиб ечиш	63
Масалаларни ифода ва тенглама тузиб ечиш	65

Таркибли масалалар ечиш	67
Мустаҳкамлаш	69
Ўзингизни текширинг!	71

4С бўлим. ВАҚТ

Секунд	73
Секунд	76
Аср	78
Мустаҳкамлаш	81
Вақт ўлчов бирликларини шакл алмаштириш	83
Вақтни соатларда аниқлаш	86
Мустаҳкамлаш	88
Умумлаштириш	90
Умумлаштириш	92
Ўзингизни текширинг!	94
Луғат	96

Учебное издание

**Акпаева Асель Бакировна
Лебедева Лариса Анатольевна
Мынжасарова Маржангул Жангазиновна
Лихобабенко Татьяна Викторовна**

МАТЕМАТИКА

4-қисм

Умумтаълим мактабларининг
3-синфи учун дарслик

(на узбекском языке)

Методист *Ф.С. Лекерова*
Редактор *Л.С. Ахметова*
Художник *Б.Б. Булатов*
Художественный редактор *Т.В. Тольбекова*
Перевод узбекского текста *И.Гаипова*
Компьютерная верстка узбекского текста *Г.А. Утеновой*

ИБ №7345

Подписано в печать 20.07.2018 г.
Формат 84×108 ¹/₁₆. Печать офсетная.
Гарнитура «SchoolBook». Бумага офсетная.
Усл. п.л. 10,5. Усл. кр. отт. 42,0.
Тираж 7500 экз. Заказ №

Республика Казахстан,
ТОО «Алматыкітап баспасы»
050012, г. Алматы, ул. Жамбыла, 111,
тел. (727) 250 29 58; факс: (727) 292 81 10.
e-mail: alkitap@intelsoft.kz
www.almatykitap.kz

Издательство «Жазушы»
050009, г. Алматы, пр. Абая, 143,
тел. (727) 394 41 55; факс: (727) 394 41 64.
e-mail: zhazushi@mail.ru